

ISSN 2181-9521

№ 3-son, 2019



# ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгашининг  
2018 йил 23 ноябрдаги  
СОҚҚ-908-III-сонли  
қарорига илова

# Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi хузуридаги Судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссия тўғрисидаги **НИЗОМ**

## I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-хуқуқ тизимини яна-да тақомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тад-бирлари тўғрисида” 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

2. Низом Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi (кейинги ўринларда – Кенгаш) хузуридаги Судьялар корпусини шакллантиришга кўмаклашувчи комиссиянинг (кейинги ўринларда – Комиссия) мақоми, вазифалари ва ваколатларини, шунингдек уни ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди.

3. Комиссия Кенгашининг судьялар корпусини шакллантириш ва судьялик лавозимларига номзодларни ўрганиш бўйича вазифасини амалга оширишда кўмаклашувчи коллегиал орган ҳисобланиб, ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб боради.

4. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Кенгаш қарорлари ҳамда ушбу Низомга амал қиласди.

5. Комиссия ўз фаолиятини Кенгаш, судьяларнинг малака ҳайъатлари, давлат органлари ва ўзини ўзи бошқарши орган-

лари, шунингдек фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириши мумкин.

## II. Комиссияни шакллантириш тартиби

6. Комиссия Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида камида беш нафар аъзодан иборат таркибда суд фахрийлари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ва хуқуқ соҳасидаги юқори малакали мутахассислар орасидан шакллантирилади.

Комиссия аъзолигига номзодлар рўйхати тегишили хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқаролик жамияти институтлари, илмий ва тадқиқот муассасалари томонидан Кенгашининг сўровига мувофиқ тақдим этилади.

7. Комиссия раиси ва аъзолари Кенгаш қарори билан уч йил муддатга тайинланади. Айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Комиссия раиси ва аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Комиссия раиси суд тизими ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жойлардаги фаол фахрийлари орасидан тайинланади.

Комиссия аъзолари таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Кенгаш қарори билан амалга оширилади.

### **III. Комиссиянинг вазифалари ва ваколатлари**

8. Комиссиянинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

судьяликка номзодларнинг касбий ва шахсий фазилатларини чукур ва ҳар тоннама ўрганишига қўмаклаши;

номзодларга таалуқли маълумотларни тегишили хукуқни муҳофаза қилувчи орғанлар, давлат ва жамоат ташкилотларидан олишда яқиндан ёрдам бериш;

суд ва судьялар фаолияти тўғрисидаги жамоатчилик фикри бўйича ўтказиладиган сўровларда қатнашиш;

судьялар корпусини шакллантириши бўйича судьялик лавозимларига номзодлар билан бўладиган учрашувлар ва очик мулоқотлар(сўхбатлар)ни ташкил қилишда қўмаклашиш ва иштирок этиш;

одил судловга эришиш даражасини ва уни амалга ошириш сифатини яхшилаш, фуқароларнинг судларга бўлган ишончилини ошириш бўйича жамоатчилик фикри, шунингдек оммавий ахборот воситалари орқали билдирилган фикр-мулоҳазаларни тақдим қилиш;

судьяликка номзодларни танлаш ва тайинлаш борасидаги муаммоларни, шунингдек судьяларнинг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлашда қўмаклашиш;

судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, суд-хукуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини таомиллаштириш юзасидан Кенгашга таклифлар киритishi.

9. Ўзига юклатилган вазифаларни бажариша Комиссия:

тегишили хукуқни муҳофаза қилувчи орғанлар, давлат ва жамоат ташкилотларига Кенгаш ёки тегишили судьяларнинг малака ҳайъатлари томонидан тайёрланган сўровларни жўнатади;

тегишили давлат ва жамоат ташкилотларидан Кенгаш сўровига ўз вақтида жавоб олинишини талаб қиласди;

судьяликка номзодлар билан ишлаш аҳволи юзасидан ўтказиладиган судьяларнинг малака ҳайъатлари йигилишиларида иштирок этади;

судьяликка номзодларнинг касбий ва шахсий фазилатлари тўғрисида маълумотлар тўйплашда қўмаклашиш билан бозлиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширади.

### **IV. Комиссия фаолиятини ташкил этиш**

10. Комиссия раиси қўйидаги хукуқларга эга:

Комиссия фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш;

Комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

Комиссия аъзолари томонидан уларга юклатилган вазифаларни бажарилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

Комиссия йигилишиларини чақириш ва унда раислик қилиш;

Комиссия раиси ушбу Низомга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11. Комиссия йигилишилари заруратга қараб ёки ҳар чоракда камидан бир марта ўтказилиши мумкин.

Йигилишда Комиссия ваколатига тегишили бўлган масалалар муҳокама қилинади ва тегишили тартибда Кенгашга маълумотнома юборилади.

### **V. Якуний қоидалар**

12. Комиссия раиси ва аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларини ўз вақтида ва тўғри бажарилиши учун масъулдирлар.

13. Комиссия раиси ва аъзолари зиммаларига юклатилган вазифаларни амалга ошириш жараёнида ўзларига маълум бўлган ҳар қандай маълумотларни ошкор қилишилари мумкин эмас.

Зиммасига юклатилган вазифаларни тизимли равишда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, ваколатларини суиистеъмол қилган, гайриқонуний ҳараматлар содир этган аъзолар Комиссия таркибидан чиқарилиши ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

14. Комиссиянинг фаолияти Кенгаш қарорига асосан тугатилади.

**«ODILLIK MEZONI»**  
илмий-амалий,  
хуқукий журнал

**Муассис:** Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши хузуридаги  
Судьялар олий мактаби

**Ҳамкорлар**  
Ўзбекистон Республикаси  
Судьялар олий кенгаши,  
Ўзбекистон Судьялар ассоциацияси

**ТАҲРИР КЕНГАШИ**  
Кенгаш раиси  
Убайдулла МИНГБОЕВ

**Кенгаш аъзолари**  
Козимжон КАМИЛОВ  
Дилшод АРИПОВ  
Комил СИНДОРОВ  
Ахтам ТУРСУНОВ  
Худоёр МАМАТОВ  
Илҳом НАСРИЕВ

**Бош мухаррир**  
Арслон ЭШМУРОДОВ

**Навбатчи мухаррир**  
Набижон ЖАЛОЛОВ

**Саҳифаловчи дизайннер**  
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий  
аттестация комиссияси Раёсатининг  
2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори  
билин юридик фанлар бўйича диссертациялар  
асосий илмий натижаларини чоп  
этиш тавсия этилган илмий нашрлар  
рўйхатига киритилган.

**Манзил:** 100097, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-йй

**Электрон манзил:**

odillikmezoni2019@mail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва  
ахборот агентлигидан 2019 йил  
1 февралда 0972-ракам билан  
кайта рўйхатдан ўтган.

**Обуна индекси:** 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.  
Журналда эълон қилинган материал  
лардан фойдаланилганда, манба кайд  
этилиши керак.

Босишига 15.04.2019 да руҳсат берилди.  
Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ  
Буюртма №  
Адади 2000

“Маънавият” нашриётининг  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: 100047, Тошкент  
شاҳри, Тараққиёт 2-берк кўчаси, 2-йй

# МУНДАРИЖА

Менинг фикрим

6-бет

**Ҳақиқий, мустақил ва  
холис суд ҳокимияти:  
мулоҳаза, таҳлил ва  
таклиф**



Давр кўзгуси

10-бет

**Етук судьялар  
корпусини  
шакллантиришда  
муҳим қадам**



Кун мавзууси

14-бет

**Суд ҳокимияти  
мустақиллигини  
таъминлашнинг  
назарий ва хуқукий  
асосларини  
такомиллаштириш**



Мутахассис мулоҳазаси

18-бет

**Суд назорати  
институтини  
Ўзбекистон  
Республикасида  
такомиллаштириш  
масалалари**



**Ибрат**

21-бет



**Қонун ва амалиёт****22-бет****Мерос ҳуқуқи ва унинг ўзига хос хусусиятлари****Умумлаштириш****27-бет****Хусусий уй-жой эгалигига оид низолар: муаммо ва ечим****Мұхым мавзу****32-бет****Лойиха-смета ҳужжатлари нима?****35-бет****Хориж тажрибасы****Япония:****Судьялик лавозимиға номзодларни тайёрлаш тизими****Жараён****38-бет****Судьялик лавозимиға номзодларни танлаш; янги тартиб, янги талаблар****Халқ билан мұлоқот****42-бет****Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари****Таклиф****45-бет****Судьялар махсус кийими қачон жорий этилади?****Судья минбари****48-бет**

**“Маъмурий тартиб-таомиллар түгрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти ва уни қўллаш**

**Қиёсий таҳлил****50-бет****Далилларни баҳолаш тартибини такомиллаштириш****Мозийга қайтиб****55-бет****Исломда қозилик фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари****Тарих сабоқлари****60-бет****Фемида ва адолат****62-бет**

**«Судьялик лавозимиға номзодлар, амалдаги судьялар ва суд аппарати ходимларининг ўқув-таълим жараёнини ташкиллаштириш» мавзусидаги халқаро семинар**



# ҲАҚИҚИЙ, МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС СУД ҲОКИМИЯТИ: МУЛОҲАЗА, ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

**Убайдулла МИНГБОЕВ,**

Судьялар олий кенгаши раиси,  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган юрист

*Азиз ҳамкаслар! Қуидада келтириб ўтилаётган таклиф ва фикр-мулоҳазаларимни бугун бежиз ўртага ташлаётганим йўқ. Гап шундаки, Сиз билан бизнинг, яъни суд ҳокимиятининг фаолияти бевосита инсон ва жамият тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Ўзингиз яхши биласиз, ижтимоий ҳаётдаги ҳар қандай келишмовчилик, у фуқаролар ўртасида бўладими ёки қонун тили билан айтганда, юридик шахслар ўртасида бўладими, фақат суд орқали ечим топади. Чунки, фуқаролик жамиягининг талаби шундай.*

*Аччиқ бўлса ҳам тўгрисини тан олиб айтиш керак, кейинги пайтларда оммавий ахборот воситаларида суд тизимидағи баъзи бир камчиликлар рўй-рост ёзилмоқда. Минг афсуски, уларни ёлгон деб бўлмайди...*

*Кeling, ўта масъулиятили ва шарафли тизимни ҲАҚИҚИЙ, МУСТАҚИЛ ВА ХОЛИС ҲОКИМИЯТга айлантириш учун яна нималар қилишимиз лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашайлик.*

Сўнгги икки ярим йилда мамлакатимиз тараққиёти бутунлай янги босқичга кирди ва туб ислоҳотларга чулғанди. Халқимиз турмуш тарзини яхшилаш, муносиб шароит яратиш борасида ўтказилаётган ислоҳотлар хорижий сиёсатшунос олимлар ва журналистлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Янги босқич ташаббускори - муҳтарам Юртбошимизнинг халқ дардига қулоқ солиш ва уларнинг ечимини топишдаги самарали саъй-ҳаракатлари юксак баҳоланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иккинчи йўналиши айнан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш деб кўрсатилганлиги ҳам бежиз эмас. Сабаби, ривожланган демократик давлатда қонун устуворлиги таъминланган бўлиши керак.

Такрор бўлса-да таъкидлаш керак, суд-ҳукуқ соҳасидаги ислоҳотлар том маънода юксак даражага кўтарилиди. Унинг ҳукуқий асосларини тақомиллаштириш юзасидан Конституциямизга суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ қўшимча ва ўзgartишлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонунинг бир қатор моддалари янги нормалар билан бойитилди.

Суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш мақсадида судларнинг бирлаштирилишини алоҳида эътироф этиш ўринли бўлади.

Узоқ йиллардан бўён орзу бўлиб келган судьяларнинг ваколат муддати масаласи ҳам ўз ечимини топди. Маъмурий судларнинг ташкил этилганлиги ҳам Халқаро ҳукуқ тамойилларга мос бўлди.

Судьялик лавозимларига номзодларни очиқ ва демократик тарзда танлов асосида танлаш, малакали ва масъулиятили мута-



хассислар орасидан судьяларни тайинлаш, шунингдек раҳбар судьялик лавозимлариға кўрсатиш учун тавсия этиш йўли билан судьялар корпусини шакллантириш мақсадида факат қонунга бўйсунган ҳолда мустақил фаолият юритадиган Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Жиноят ишларини қўшимча тергов юритишга қайтариш институтининг бутунлай бекор қилиниши, биринчи инстанция жараёнида суд тергов камчиликларини бартараф этиб, факат айблов ёки оқлов ҳукми билан ишга нуқта қўйилиши билан боғлиқ янги тартиблар ўрнатилди. Энг муҳими, бундай тарихий суд-ҳуқук ислоҳотлари айни пайтда ўзининг ижобий самарасини бера бошлади.

Муҳтарам Президентимиз ташаббу-скорликни қўллаб-кувватлаб, жамият тараққиётiga бефарқ бўлмаган шахслардан фикр-мулоҳазалар кутаётган бир пайтда, суд соҳасида узоқ йиллар ишлаб, ҳаётий ва амалий тажрибаларимдан келиб чиқсан ҳолда суд ишларини янада соддалаштириш, амалдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил ислоҳотлар билан бораётганлигимиз боис қуйидаги таклифларни мухокама учун амалиётчи ҳуқуқшуносларга етказишни мақсадга мувофиқ деб топдим.



**Биринчи таклиф:** судьялар иш жараёнида (суд залида) маҳсус либосда, хусусан, жаҳон андозаларига ва миллийлигимизга мос кийим(мантия)да бўлсалар максадга мувофиқ келар эди. Бу масала анча ишлардан бўён гапирилиб келинмоқда.



**Иккинчи таклиф:** фуқаролик жамияти сари одимлаётган мамлакатимизда алоҳида жамоатчилик суди институтини ташкил этиши зарурияти туғилмоқда. Бундай судни "Муроса суди" деб номлаш мумкин. Айтайлик, кам аҳамиятли ва унча мураккаб

бўлмаган жиноиий, иқтисодий, маъмурий ва фуқаролик низолари билан боғлиқ ишларни шунингдек, суд бўйрги ва ярашилганлиги мунносабати билан, (Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 661-моддаси) жиноиий жавобгарликдан озод қилиши ишларини ҳам мазкур суд зиммасига юкласа бўлади. "Муроса суди" судьялари беш йилдан кам бўлмаган судьялик стажига эга, ёши қирқдан ошган ҳуқуқшунослар орасидан жамоатчилик асосида сайланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида ёки Судьялар олий кенгashi томонидан тайинланиши мумкин.



**Учинчи таклиф:** судьялар иш юкламасини енгиллатишнинг навбатдаги чораси сифатида уларни узундан-узоқ ҳукм ёки ҳал қилув қарори ёзишдан озод қилиш зарур. Моддий техника ва электрон технология таомиллашган ушбу даврда воқеа-ҳолатлар тўлиқ акс эттирилган суд мажлиси баённомаси мавжуд. Шундай имкониятни ҳисобга олиб, суд қарорининг кириш, асослантириши ва қарор қисмлари ёзилиб, эълон қилинишининг ўзи кифоя, деб ўйлайман.



**Тўртинчи таклиф:** биз судларни эмас, судьяларни ихтисослаштиришига ўтганимиз маъқул бўлар эди. Шунинг учун, вилоят, туман ва шаҳарларда биттадан раис бўлиши мақсадга мувофиқдир.



**Бешинчи таклиф:** Фуқаролик ва иқтисодий судни бирлаштириб, туманлараро суддан воз кечиш вақти келди деб ҳисоблайман.



**Олтинчи таклиф:** Конституциянинг 44-моддасидан келиб чиқиб, маъмурий судларга факат мансабдор шахсларнинг қабул қилган қарорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари устидан бериладиган ариза-шикоятлар тааллуқли бўлиши зарур.



**Еттинчи таклиф:** Процессуал қонун нормаларининг жиiddий бузилганлиги сабабли суд қарорларини бекор қилишини қонулардан чиқариш керак, деб биламан.



**Саккизинчи таклиф:** вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан биринчи босқичда (инстанцияда) кўрилган ишларни апелляция ва назорат тартибида кўриши Ресpubлика Олий суди судловига ўтказишилари. Ҳозирги ҳолатда, яъни вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан биринчи босқичда кўрилган ишларни яна ўша суднинг ўзида апелляция тартибида кўрилиши фуқароларнинг норозилигига сабаб бўлмоқдада.



**Тўққизинчи таклиф:** туман ва шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция тартибида кўрилган ишларни, апелляция ва назорат тартибида кўришини вилоят ва унга тенглаштирилган судлар томонидан кўришга ўтиб, раёсатни тиклаш ҳар томонлама маъкул бўлади. Ишларни кассация тартибида кўриши қонун нормаларидан чиқариш масаласини ўйлаб кўриш керак. Юқоридаги босқичлардан кейин ариза шикоятлар умумий (назорат) тартибида Ресpubлика Олий судига тегишли бўлиб қолаверади. Ҳозирги тартиб, яъни Олий судга келиб тушадиган назорат тартибидаги аризаларни (судьяга келиб тушиб, ажрим чиқарилиши) амалиётидан воз кечиш, назорат аризаларини умумий тартибда кўришга ўтиши лозим.



**Ўнинчи таклиф:** вилоят ва унга тенглаштирилган суд раисларига вилоят суди судъяси, туман ва шаҳар раислари ва судьяларига нисбатан интизомий иш қўзгатилиши хуқуқини бериши керак. Ресpubлика Олий

суди раиси Олий суд судьяларидан тортшиб, барча қўйи судлар судьяларига нисбатан интизомий иш қўзгатилиши ва Олий малақа ҳайъатида кўриб чиқиш учун юбориш ваколати аслича қолиши керак.



**Ўн биринчи таклиф:** қонунлардан протест келтириш мумкин деган нормани умуман чиқариш масаласини муҳокама қилиш лозим. Сабаби, бу билан томонларнинг тенглигини таъминлаш, ишларни ариза-шикоятлар асосида кўрилаверишига эришиш мумкин.



**Ўн иккинчи таклиф:** одил судлов босқичларининг энгюқори босқичи бу – Ресpubлика Олий суди Пленуми бўлиб қолиши керак. Суд ишидаги охирги хато-камчиллик айнан шу босқичда ўз ечимини топиши лозим.



**Ўн учинчи таклиф:** суд залларида тинчлик сақланиши ва судьяларнинг хавф-сизлигини ҳимоя қилиш учун суд приставлари ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади.



**Ўн тўртинчи таклиф:** суд мамлакат ҳудудидаги барча ижтимоий муносабатларни тартибга солишада, дуч келинган низоларни бартараф этишида охирги инстанция ҳисобланади. Жумладан, жиноят ишлари бўйича суд иши юритувига турли даражадаги тергов идораларидан материаллар келиб тушади. Иш материалларини тўплаган органнинг табиати ва жамиятда тутган мавқеи унга бўлган муносабат судья учун ишнинг оқибатига таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас. Қонун ва суд олдида барчанинг тенглик тамойили Конституциямизда кафолатланганлигини эътиборга олиб ва халқаро стандартларга мувофиқ Ресpubлика Бош прокуратураси



хузурида ягона тергов қўмитаси ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди.



### Ўн бешинчи таклиф: Ўзбекистон

Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги ПФ-4966 сонли "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ ҳарбий судлар фаолиятига айрим ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, улар Мудофаа вазирлиги ҳисобидан чиқарилди. Суд ҳокимияти мустакиллиги нуктаи назаридан бу жуда тўғри қарор бўлди. Ушбу суд фаолиятини такомиллаштириб, Ички ишлар, Давлат божхона қўмитасининг маҳсус ҳодимлари, шунингдек, алоҳида давлат хизматчилари томонидан содир этилган жиноятлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишини ҳам шу суд ваколатига бериб, "Ҳарбий суд" номини "Маҳсус суд" номига алмаштиришини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.



### Ўн олтинчи таклиф: судда про-

курор ваколатини таъминлаш масаласи бўйича амалиётда муаммолар келиб чиқаётганлигини эътиборга олиб, айрим тоифадаги ишлар бўйича прокурор иштирокини таъминлаш мажбурлигини белгилаб, кам аҳамиятли ишлар бўйича судларда прокурорни қатнашиш-қатнашимаслиги уларнинг ихтиёрида қолдирилиши мумкин (жабрланувчи ёки судланувчининг илтимоси билан прокурор иштирокини таъминлаш бундан мустасно). Жиноят ишлари бўйича айлаш хуносасини прокурор томонидан эълон қилиш шартлигини ҳам ўйлаб кўриш керак (жабрланувчи ва судланувчи иш материаллари билан танишганлиги, айлаш хуносаси эса судланувчига топширилганлиги етарли деб ўйлайман).



### Ўн еттинчи таклиф: маълумки,

иқтиносидиётни юксалтиришида транспортнинг ўрни ва аҳамияти катта. Шунинг учун, мамлакатимизда транспортни ривожлантиришига ва транспорт коммуникацияларини барпо этишга, уларнинг юк ва ўловчиликлар ташиши имкониятини оширишига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Транспорт ва транспорт коммуникацияларидан фойдаланиш жараённада турли низолар, гайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва бошқа муаммолар келиб чиқиши сир эмас. Шунингдек, транспорт соҳаси ўзига хос мухим давлат аҳамиятига эга бўлган хусусиятларга эгалиги, транспорт ва транс-



порт коммуникацияларининг жадаллик билан ривожланаётганлиги, трансмиллий транспорт ўйлаклари вужудга келганлиги ва бу тармоқнинг муттасип кенгайиб бораётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу тоифадаги ишларни кўриб, ҳал этишда айрим муаммолар вужудга келаётганидан кўз юмиб бўлмайди.

Бу борадаги ахволни тубдан яхшилашнинг ўйли битта, у ҳам бўлса, ихтисослашган транспорт судларини ташкил қилишdir. Ўзбекистонимиз дунёдаги автомобиль ишлаб чиқаридиган 28 мамлакат сафига кирганлиги, автомобиллар сотилиши бўйича эса жаҳонда етакчи ўринлардан бирини олганлиги, эндиликда автомобиль ишлаб чиқариш мамлакатимиз саноатининг етакчи тармоқларидан бирига айланганини эътироф этишимиз керак.

Биламизки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида транспорт прокуратураси, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тизимида транспорт милицияси узоқ йиллардан бўён самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Агар улар сафига ихтисослашган, вилоят судлари мақомига эга бўлган транспорт судлари қўшилса, айни муддао бўлар эди.

Ушбу таклифлар Мухтарам Президентимизнинг мамлакатимизда ҳалқ манфаати ўйлида олиб бораётган саъй-ҳаракатлари ва қонун устуворлигини таъминлашдаги ҳаққоний ёндашувларидан келиб чиқилганлигини ҳам таъкидлашим зурур.

Судьялар, прокурорлар, ҳуқуқшunos олимлар ва бошқа эксперталар ушбу таклифларга ўз муносабатларини билдирадилар деган умиддаман.



**Комил СИНДОРОВ,**

Судьялар олий  
мактаби директори  
ўринбосари, юридик  
фанлар доктори

## ЕТУК СУДЬЯЛАР КОРПУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУҲИМ ҚАДАМ

*Бугунги кунда бутун дунёда рўй берәётган туб ўзгаришлар, манзараси кун сайн ўзгариб бораётган бекарор геосиёсий вазият, тобора чуқурлашиб бораётган глобаллашув шароитида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.*

Мамлакатимизда сўнгги йилларда рўй берәётган демократик янгиланишлар, қатъият ва изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ҳам инсон манфаатларини амалда таъминлаш масаласи ётибди. Мана шу муҳим жараёнда стратегик истикболни белгилайдиган том маънодаги концептуал ҳужжат, яъни “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтириш, уларнинг одил судловга эришиш даражасини, суд иш юритувининг самарадор-

лиги ва сифатини ошириш, номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайнинлаш тизимини янада такомиллаштириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишлари сифатида мустаҳкамланди. Шу ўринда, айниқса, малакали ва етук судьялар корпусини шакллантириш суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналиши сифатида қаралаётгани бежиз эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда судьялар тайёрлаш тизимини тубдан янгилашда яна бир муҳим қадам бўлди. Қарорга биноан юртимизда илк бор судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун масъул бўлган давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси – Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Давлат раҳбари томонидан Судьялар олий мактаби олдига мамлакатимизда судьялар корпусини тайёрлашнинг ягона тизимини ташкил этиш, юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқат, вақтни бошқариш, музокоралар олиб бориш, ахборотлар билан ишлаш технологиялари, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий ва амалий кўникмаларга эга, мустақил





фикрловчи, қатъиятли, жасур ва ҳалол судья ва суд ходимларини тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Шу мақсадда Олий мактабда қисқа даврда ўқитишинг замонавий шакл ва услубларини қўллаш кўнкималарига, амалий тажрибасига эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркиби шакллантирилди. Бу таркибнинг шакллантирилишида асосий эътибор уларнинг айнан суд тизимида иш тажрибаси ва малакасига эга эканлигига қаратилиб, амалдаги судьялар ва суд тизимида ўз меҳнат фаолиятини олиб борган ходимлар орасидан танлаб олинди. Дарс машғулотларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида жалб қилинадиган мутахассислар ҳам айнан суд, адвокатура, прокуратура органлари тизимида фаолият олиб бораётган малакали мутахассислардан бўлишига эътибор қаратилади.

Олий мактабда дарс машғулотларининг "жонли" тарзда олиб борилишини таъминлаш мақсадида дарс берувчи ходимлар фаолиятини баҳолаш механизмининг яратилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Олий мактабнинг фаолиятини ташкил этишга қаратилган қатор лоқал ҳужжатлар тайёрланди. Олий мактаб магистратураси, судьялар ва суд ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларининг ўқув режалари ва дастурлари, малакавий талаблар ишлаб чиқилди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ўқув режалари ва дастурлари услубий жиҳатдан ҳамда назария ва амалиёт

уйғуналигига эришиш нуқтаи назаридан тақомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Олий мактабда ўқитиши замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишда вебинар ўқитиш усулидан самарали фойдаланиш, интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига кенг жорий этиш мақсадида ўндан ортиқ ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар таълим муассасаларининг ваколатхоналари билан илмий-амалий, ўқув-услубий, ахборот алмашинув, моддий-техник соҳаларда ҳамкорлик йўлга қўйилмоқди. Айни пайтда Россия, Қозогистон, Канада, АҚШ, Шотландия, Словения, Украина, Грузия ва бошқа давлатларнинг судьялар тайёрлашга масъул муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш тадбирлари кўрилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг февраль ойида бир қатор хорижий мамлакатлар АҚШ, Шотландия, Словениянинг нуфузли экспертлари ва бошқа ҳалқаро ташкилотларнинг мутасаддилари иштироқида судьялар тайёрлаш борасида тўпланган илгор хорижий тажрибани атрофлича таҳлил қилиш мақсадида ҳалқаро семинар ўтказилди.

Ушбу тадбирда Шотландия суд институтининг директори Алистер Дафф, АҚШ Федерал суд марказининг суд таълими бўйича катта мутахассиси Стефани ХЕММЕРТлар ўз мамлакатларида тўпланган тажриба юзасидан маърузалар қилишди.

Шотландиялик экспертнинг мулоҳазаларига кўра, Шотландияда судьялар тайёрлаш бўйича катта амалиёт тўпланган. Шотландия суд институти фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий қилинган. Институт расмий сайтига тингловчилар учун жуда кўплаб илмий-амалий кўлланмалар, дарсликлар, шунингдек, аудио ва видео кўргазмали материаллар доимий равишда жойлаштирилиб борилади.

Диккатга сазовор бўлган яна бир жиҳати уларда саҳналаштирилган суд процесслари тасвирга олинниб, тингловчиларга тақдим этилади. Ёки ўзлари дарс жараёнида муайян бир суд процессини шартли равишда саҳналаштиради. Унда тингловчилардан кимdir айбланувчи, яна кимdir даъвогар, бошқаси судья, адвокат, прокурор сифатида жонли иштирок этади. Интернет сайтида суд процесларидан олинган турли материаллар ҳам батафсил жойлаштириб борилади.

Шотландияда юқори суд судьяларини тайинлаш тартиби учта бўғиндан иборат, аммо ўз фарқли жиҳатларига эга. Судьялик лавозимига номзод тўғрисида юқори унвонга эга бўлган судьялар таклиф киритишади, лорд-канцлер уларга асосланган ҳолда тавсия беради, монарх эса тайинлайди. Юқори суд судьяси лавозимига амалий тажрибаси 10 йилдан кам бўлмаган барристерлар тайинланиши мумкин. Судьяларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи билан 1979 йилдан бўён маҳсус тузилган Суд илмий кенгаси шуғулланади.

Илк бор судьялик лавозимига тайинланган жиноят ишлари бўйича Тож суди судьялари учун 4 кунлик мажбурий ўқув курслари ўтказилади. Ўқув курсини якунлагач, улар

10 кунлик стажировка ўташ учун тажрибали судьяларга бириклиради.

Худди шундай, жорий йилнинг 27-29 март кунлари Канадалик мутахассислар билан фикр-мулоҳазалар алмашилди. Тадбирда Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг кўллаб-куватлаши остида Канада Миллий судьялар институтининг суд тизими масалалари бўйича бош мутахассиси Адель Кент ва халқaro ҳамкорлик гурӯҳи директори Бренда Купер иштирок этишиди.

Адель Кентнинг сўзларига кўра, Канада Миллий судьялар институтидаги асосан икки ўқув дастури тузилади:

1. Миллий дастур;
2. Маҳсус дастур (провинциялар учун).

Миллий дастурни тузишда умумий хусусиятлар билан бирга ҳудудий хусусиятлар ҳам инобатга олинади. Яъни ҳудуднинг жойлашиши, аҳолининг сони ва бошқа омиллар эътиборга олинади. Маҳсус дастурларни тузишга маҳаллий аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб ёндашилади.

Канада Миллий судьялар институтидаги, шунингдек, онлайн ва интернет курслари ҳам мавжуд. Институт маълумотлар электрон базаси ҳамда электрон кутубхонага эга.

Канадалик суд тизими мутахассисларининг таъкидлашича, бугунги кунда судьялар ўз касбидан ташқари, бошқа илмларга ҳам қизиқиши керак, масалан, психологияга. Бу уларнинг турли вазиятларга чуқурроқ ва инновацион ёндашишларига кўмак беради.

Канадалик меҳмонлар билан амалий ҳамкорлик бўйича меморандум ҳам имзоланди.





Президентимиз Ш.Мирзиёев судни том маънода “Адолат қўргони”га айлантириш, инсон тақдирини ҳал этишда судьяларнинг онгида – адолат, тилида – ҳақиқат, дилида эса поклик устувор бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди.

**Ана шундай янги давр судьясини тайёрлаш мақсадида Судьялар олий мактаби ўқув жараёнини ташкил этишда қўйидаги асосий принципларга асосланади:**

**биринчидан**, ўқув жараёни бевосита судларнинг “буюртмаси” асосида ташкил этилади. Олий суд ўз фоалияти таҳлили, мавжуд муаммо ва камчиликлар, ички имкониятларидан келиб чиқиб, ўқитиш тўйрисида Олий мактабга “буюртма” беради. Шу асосда айнан қайси судьялар, қанча муддатга, қайси мавзуларда ўқитилиши олдиндан режалашибилиб олинади.

**иккинчидан**, ўқув жараёни асосан тингловчиларнинг касбий қўникма ва амалий тажрибаларини оширишига қаратилади. Назарий билимларни бериш ҳам амалиёт билан боғлиқ ҳолда олиб борилади;

**учинчидан**, ўқув жараёнида тингловчилар психологияси, этикаси, муомала маданияти, нотиқлик санъати, бошқарувчанлик маҳоратини эгаллашларига кенг ўрин берилади;

**тўртинчидан**, ўқитишнинг интерфаол усулларидан кенг фойдаланилади;

**бешинчидан**, ўқув жараёнининг илмий асосда ташкил этилишига эришиш. Ўқув жараёни учун асосий “озуқ”ни Олий мактабнинг суд амалиёти муаммоларини ўрганиш маркази беради.

Шу йўсинда бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган судьялар корпусини шакллантиришни таъминлай оладиган ўқитишнинг ўзига хос концепцияси шакллантирилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда янги ташкил этилган судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси чинакам мустақил суд ҳокимиyatini шакллантириш, суднинг нуфузини кўтариш, одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**Кимки битта ярамас,  
галамис, разил одамга хай-  
рихox бўлиб қараса, у жуда  
кўплаб яхии инсонларга  
зарар етказади.**

\* \* \*

**Кимки айборни ҳимоя қил-  
са, у ўзига албатта айб со-  
тиб олади.**

**ПУБЛИЛИЙ СИР**



# СУД ҲОКИМИЯТИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Дилшод АРИПОВ,**

Судьялар олий мактаби  
директори ўринбосари,  
юридик фанлари номзоди

*Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири – мустақил ва ҳеч кимга бўйсунмайдиган, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини сўзсиз тан олинишини таъминлайдиган<sup>1</sup>, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила оладиган суд ҳокимиятини барпо этиш ҳисобланади.*

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатлари, тизими ва ваколатлари, суд ишларини юритиш билан боғлиқ талаблар махсус нормаларда алоҳида белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунида ҳам суд ҳокимияти тизими, вазифалари, унинг фаолиятини ташкил этиш, судьялар мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг мустақиллиги кафолатлари билан боғлиқ нормалар ўзининг аксини топган. Бироқ Конституция ва қонун ҳужжатларида “суд”, “суд ҳокимияти”, “суд ҳокимияти мустақиллиги” каби тушунчаларнинг таърифи белгиланмаган. Шунга кўра, мазкур тушунчаларнинг юридик фанда ва норматив-хуқуқий ҳужжатларда мавжуд эмаслиги уларнинг аниқ мазмун-моҳиятини тушунишда, бир хилда талқин қилинишида турли ёндашувларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳозирги замон олимлари ўртасида ушбу масалага оид иккى хил ёндашув мавжуд. Биринчиси, бу – суд ҳокимиятини одил судловни амалга оширувчи суд органи тизими сифатида эътироф этиш. Ушбу йўналиш асосчиларидан бири бўлган И.Я.Фойницкийнинг фикрига кўра, суд ҳокимияти қонунга бўйсунувчи, суд ишини юритиш тартибида қонунни қўлловчи органлар тизимини ташкил этади<sup>2</sup>. Ушбу фикрни қўллаб-куватлаган ҳолда Г.Г.Черемных ва Ю.А.Дмитриевлар ҳам суд ҳокимиятини ҳақиқатни аниқлаш, адолатни тиклаш ва айборларни жазолаш учун қонунда белгиланган ҳукмронлик ваколатларига эга, қабул қилган қарорлари барча шахслар учун ижроси маж-

бурий бўлган давлат ва муниципал органлар тизими деб таъкидлайдилар<sup>3</sup>.

Г.Гегель ҳам суд ҳокимиятини одил судловни амалга ошириш функцияси орқали унинг мустақиллиги тушунчасини ифодалашга ҳаракат қилган. Унинг фикрига кўра фуқаролик жамияти аъзоси судни излаш ҳуқуқига, суд олдида жавоб бериш мажбуриятiga ҳамда низоли ҳуқуқни фақат суд орқали қўлга киритиш ҳуқуқига эга<sup>4</sup>.

Суд ҳокимияти тушунчасининг иккинчи ёндашуви бу – суднинг функционал вазифасидан келиб чиқиб, суд ишларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган алоҳида орган сифатида таърифланади. Ушбу ёндашув тарафдорлари бўлган олимларнинг фикрига кўра, суд ишлари фақат суд ҳокимияти томонидан бошқа маъмурий органларнинг иштирокисиз кўриб чиқилади. Суд ҳокимияти бу – алоҳида давлат ҳокимияти бўғини ҳисобланган, маъмурий ёки қонунчилик функцияларини бажармайдиган, қонунни амалга оширишга даъват қилинган, унинг устуворлигини ҳаётга татбиқ этилишини белгиловчи орган<sup>5</sup>.

В.А.Лазарева суд ҳокимиятининг юридик имда бундай икки хил маънода талқин қилинишининг сабаби сифатида иккита алоҳида терминнинг мазмуни билан боғлади. Биринчидан, суд ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг алоҳида тармоғи сифатида ҳокимиятни амалга ошириши билан боғлаш мумкин. Жумладан, ҳокимият – бу ирода, авторитет, ҳуқуқ каби маълум бир усувлар ёрдамида фуқароларнинг фаолияти, хулқ-авторига таъсир ўтказиш қобилияти ва имкониятидир. Ёки ҳокимият –

авваламбор ниманидир бошқариш ҳуқуки ва имконияти, ўзининг иродасига кимнидир бўйсундиришdir<sup>6</sup>.

Давлат ҳокимиюти ҳокимиютнинг турларидан бири сифатида алоҳида шахслар ва улар бирлашмаларининг иродасини мазкур жамиятни бошқарувчи иродага бўйсундириш имкониятидир<sup>7</sup>.

Суд ҳокимиюти тўғрисида ушбу икки йўналиш вакилларининг фикрига кўшилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, улар бир-бирини тақозо қиласди ва мазмунан тўлдиради.

Биринчидан, суд ҳокимиюти ўзининг функциясига кўра жамиядта вужудга келадиган низолар ва содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни суд йўли билан ҳал этади, яъни одил судловни амалга оширади.

Иккинчидан, ташкилий жиҳатдан суд ҳокимиюти одил судловни амалга оширувчи суд органлари тизимидан ташкил топади.

Учинчидан, мажбурий характерга эга бўлган қарорлар қабул қилиш орқали ҳукмронлик функцияларига эга.

Тўртминчидан, суд ҳокимиюти бошқа ҳокимиют бўғинларидан мустақил ҳолда фаолият юритади. Ушбу асосий кўрсаткичлар суд ҳокимиютнинг асл мазмун ва моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди.

Суд ҳокимиюти тушунчасини аниқ ифодалаш учун "суд" атамаси мазмунига ҳам алоҳида тўхталиш лозим. "Суд" сўзи тилимизда бир хил маънода ифодаланмайди, у "муассаса", "суд жараёни", "ҳукм қилиш", шунингдек, "судья, суд ҳайъати" сўзининг синоними сифатида ҳам фойдаланилади<sup>8</sup>.

Шунга кўра, суд ҳокимиюти таркибига унинг ҳукмронлик функцияларини, алоҳида ҳокимиют бўғини бўлган давлат органи эканлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилиш ва тиклаш учун давлат томонидан махсус ваколат берилган орган деб ҳисобланиши билан бир қаторда, одил судлов фақат судья ёки судьялар томонидан амалга оширилишини инобатга олиб, албатта судьяларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Фикримизнинг исботи сифатида шуни қайд этиш лозимки, суд ҳокимиюти факат қонунда белгилangan тартибда тайинланган ёки сайланган судьялар томонидан амалга оширилади, унинг мустақиллигига эса асосан судьялар мустақиллигини таъминлаш орқали эришилади. Демак, суд ҳокимиюти ва судья тушунчалари алоҳида мазмун-моҳиятга эгалигига, уларнинг мустақиллигини таъминлаш асослари турлича бўлишига қарамасдан, улар ўзаро чамбарчас боғлик тушунчалардир.

Суд ҳокимиюти мустақиллиги, мухторлиги ва алоҳида ваколатларга эгалиги билан тав-



сифланади. У қонунчилиқда белгилangan қатъий процессуал тартиб асосида амалга оширилади.

Айрим олимларнинг фикрича, суд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган сифатида давлат ҳокимиюти ёрдамидан фойдаланади.

Жумладан, суд ҳокимиюти бу – давлат томонидан махсус ваколат берилган давлат органи – судлар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини мажбурлов кучлари орқали амалга оширувчи, махсус вазифалар ва уларни таъминловчи усусларга эга бўлган давлат ҳокимиютининг алоҳида кўринишидир<sup>9</sup>.

Ф.Ф.Муҳитдинова суд ҳокимиютини давлат-ҳукмронлик муносабатлари сифатида одил судловдан ташқари, суд назоратини ҳам амалга оширишга ваколатли бўлган суд тизими деб таърифлайди<sup>10</sup>. Бу билан суд ҳокимиютининг яна бир ўзига хос жиҳати – унинг суд назоратини амалга ошириш ваколатига эга эканлиги эътироф этилади.

Демак, суд ҳокимиюти бу – давлат ҳокимиютининг алоҳида мустақил бўғини бўлган, одил судловни ва суд назоратини холис, бегараз, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга ваколатли, қабул қилган қарорлари мажбурий характерга эга бўлган, алоҳида мақомга эга судьялардан ташкил топган суд органлари тизимиdir.

Суд ҳокимиюти мавжудлигининг ўзи унинг мустақил бўлишини тақозо этади. Зеро юқорида таъкидланганидек, мустақил бўлмаган суд ҳокимиюти одил судловни амалга ошира олмайди, уни алоҳида ҳокимиют бўғини сифатида ҳам эътироф этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида" ги халқаро пактининг 14-моддасида ҳар бир шахснинг иши қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эгалиги алоҳида белгилangan<sup>11</sup>.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги амалда бир неча усуллар ёрдамида таъминланади. Ҳалқаро миқёсда суд ҳокимиятининг мустақиллиги институционал ва шахсий мустақиллик асосида таъминланади.

Институционал мустақиллик суд ҳокимиятининг алоҳида орган сифатидаги мустақиллигини, шахсий мустақиллик эса суд тизимининг ичидаги ва унинг бошқа институтларига нисбатан судьяларнинг мустақиллигини назарда тутади.

Суд ҳокимиятининг институционал мустақиллиги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамойилларининг биринчисида баён этилган бўлиб, унда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилидан келиб чиқиб, барча институтларнинг ушбу мустақилликни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш мажбурияти кафолатланиши белгиланган. Унга кўра, суд ҳокимияти ҳокимиятнинг бошқа тармоқларидан мустақил бўлиши, улар эса суд қарорларини ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши керак. Ушбу мустақиллик қарорлар қабул қилишдаги мустақиллик каби инсон ҳукуклари ва қонун устуворлиги тамойилини кўллаб-қувватлашда алоҳида аҳамиятга эгадир<sup>12</sup>.

Шунингдек, Асосий тамойилларда судлар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш мақсадида судларда ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш суд маъмураниятнинг ички иши ҳисобланиши белгиланган<sup>13</sup>.

Бундан ташқари, суд тизимининг мустақиллиги судлов хусусиятидаги барча масалалар бўйича ваколат фақат судга тегишли бўлишини, шунингдек, у кўриб чиқаётган масала судга таалукли ҳисобланиши бўйича қарорни фақат суд қабул қилиши лозимлигини талаб қиласи (3-тамоийил).

Одил судлов жараёнига ноқонуний ва рухсатсиз араласиш, суд қарорларининг бошқа ҳокимият органлари томонидан ўзгартирилиши мумкин эмаслиги (қонунда белгиланган

тартибда судлар томонидан жазони юмшатиш ёки жазони ўзгартириш ва афв этиш ҳолатлари бундан мустасно) ҳам суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш усулларидан биридири. (4-тамоийил).

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳукуклари бўйича қўмитаси эса судларнинг институционал мустақиллигининг қўйидаги жиҳатларига эътибор қаратган:

- иш ҳақини тўлашдаги узилишлар ва судьяларнинг лавозимни эгаллаш муддатига оид кафолатларнинг етарли эмаслиги суд тизимининг мустақиллигига салбий таъсир кўрсатади;

- судьяларни танлаб олиш ва уларни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича қандайдир мустақил механизмнинг мавжуд эмаслиги суд тизимининг мустақиллигини чегаралайди<sup>14</sup>.

Юқорида қайд этилганларга асосан суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашнинг қўйидаги усулларини қайд этиш мумкин:

- суд ҳокимияти бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритади, бошқа институтлар суд ҳокимияти мустақиллигини тан олишлари ва ҳурмат қилишлари лозим;

- судларда ишларни судьялар ўртасида тақсимлаш масаласи суд маъмурияти томонидан амалга оширилиши лозим;

- одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилиши лозим (бу ваколат судларнинг ҳам ҳукуки, ҳам мажбурияти ҳисобланади), суд ҳужжатлари фақат судлар томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин, ноқонуний судларни ташкил қилиши тақиқланади;

- одил судловни амалга оширишга ноқонуний ва рухсатсиз араласиш тақиқланади;

- суд ҳокимиятини молиявий таъминлаш давлат томонидан кафолатланиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, суд ҳокимияти мустақиллигининг кафолатлари, аввалимбор, ҳар бир давлатнинг конституциясида, агар конституцияда белгиланмаган бўлса, қонунларида белгиланиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада миллий ва хорижий давлатлар амалиётига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқидир.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Фавқулодда судлар тузишга йўл қўйилмайди. У томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир. Судьялар мустақиллар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир



тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьяларнинг дахлсизлиги қонун билан кафолатланади. Судья ваколат муддати тугагунга қадар судьялик вазифасидан қонунда кўрсатилган асослар бўлгандагина озод этилиши мумкин.

Россия Федерацияси Конституциясида мамлакатда одил судлов факат суд томонидан амалга оширилиши, судларни молиялаштириш манбалари ва шартлари, шунингдек, судьяларга қўйилган талаблар, уларни танлаш ва тайинлаш тартиби, судьялар дахлсизлиги ва алмаштирилмаслиги, судьялар фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш тартиби маҳсус нормаларда назарда тутилган.

Қозоғистон Конституциясида эса қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда вуҷудга келган барча ишлар ва низоларни ҳал қилиш суд ҳокимиятига тааллуқли эканлиги, қонунни қўллашда судья амал қилиши лозим бўлган принциплар, суд ҳокимиятини молиялаштириш ва судьяларни уй-жой билан тъминлаш давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши ва унинг фаолият юритиши учун етарли миқдорда ўрнатилиши, судьяларни тайинлаш тартиби белгиланган.

Арманистон Конституциясида эса судьяларни одил судловни амалга ошириш жараёнида билдирган фикри ёки қабул қилган қарори учун жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги, судьялик ваколатини муддатидан аввал тугатиш асослари, судьяга нисбатан мақомига мос равишда ойлик маоши тайинланиши лозимлиги қайд этилган.

Озарбайжон Конституциясига кўра, судларнинг қарори давлат номидан қабул қилинади ва барча учун мажбурий, суд қарорларини бажармаганлик жавобгарликни келтириб чиқаради, суд ишига аралашиш тақиқланади ва жавобгарликка сабаб бўлади.

Грузия Конституциясига мувофиқ судьяни жиноий жавобгарликка ёки ҳибсга олишга Адлия олий кенгаши ёки Конституциявий суд розилик бермаган ҳолларда судья зудлик билан кўйиб юборилиши шарт, судья ва унинг оила

аъзоларининг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади, суднинг тугатилиши ёки қайта ташкил қилиниши судьяни ваколат муддатидан аввал лавозимидан озод қилишга сабаб бўлмайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, қўйидагилар таклиф этилади:

суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатлари халқаро ҳуқуқ нормалари ва улар асосига қурилган миллий қонун хужжатларида (Конституция, қонунлар) мустаҳкамлаб қўйилиши лозим. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг суд ҳокимиятига бағишинган алоҳида бобида суд ҳокимияти мустақиллигининг барча асосий кафолатларини халқаро стандартлардан келиб чиқиб белгилаш мақсадга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг “Суд тизими судьялар мақоми тўғрисида”ги Қонунида суд ҳокимияти, унинг мустақиллиги тушунчаларининг мазмун-моҳиятини ифодаловчи, суд мустақиллигини амалга ошириш шартлари, тартиби ва кафолатларини ўрнатувчи нормаларни белгилаш, шунингдек судлар фаолияти ва улар мустақиллигига оид қонуности хужжатларида назарда тутилган барча нормаларни белгилаш.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг преамбуласи ва 15-моддаси. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. –3-7-бетлар.
2. Фойницкий И.Я. Курс уголовного судопроизводства / И.Я. Фойницкий. – СПб., 1996. Т.1. – С.158.
3. Дмитриев Ю.А. Судебная власть в механизме разделения властей и защиты прав и свобод человека / Ю.А.Дмитриев, Г.Г. Черемных // Государство и право. – 1997. – № 8. – С.48.
4. Гегель, Г. Философия права / Г. Гегель. – М., 1990. – С.258.
5. Познышев С.В. Элементарный учебник русского уголовного процесса / С.В. Познышев. – М., 1913. С. 87.
6. Лазарева В.А. Автореф дисс.. док. юр. наук. М.,2000 г. С.7; Лазарева В.А. Судебная власть и её реализация в уголовном процессе. Саратов. 1999. С 10.
7. Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка / С.И. Ожегов, Н.Ю. Шведова. – М.1999. С.86.
8. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. А.Навоий номидаги тил ва адабиёт институти. А.Мадвалиев таҳрири остида. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. -580-581 Б.
9. Замятина Т.А. Судебная власть: понятие и сущность. Белорусский институт права, г. Минск, Беларусь
10. Мухитдинова Ф.Ф. Становление и развитие судебной власти в Республике Узбекистан. Диссертация на соискание ученой степени доктора юридических наук. УДК 342.56 (575.1). -Ташкент, 2012 год. С.13.
11. Бирлашган миллатлар ташкилотининг “Фуқаролик ва сиёсий ҳукуқлар тўғрисида”ги халқаро пакти. 19 декабрь 1966 йил.
12. БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамоиллари. 1-тамоил. [www.un.org/ru/documents/decl\\_convn\\_conventions/indep.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_convn_conventions/indep.shtml)
13. БМТ Суд органларининг мустақиллигига оид Асосий тамоиллари, юқорида белгиланган, 14-тамоил.
14. Инсон ҳукуқлари бўйича қўйитанинг Конго бўйича якуний мулоҳазалари, БМТ ҳужжати CCPR/CO/79/Add. 118, 14-п.





# СУД НАЗОРАТИ ИНСТИТУТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Қаҳрамон ИСАРОВ,**  
Судъялар олий мактаби

Суд амалиёти  
муаммоларини ўрганиши  
маркази бошлиги

**Мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган  
ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон хуқуқ ва манфаатлари-  
нинг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашдир.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-  
ни ривожлантиришининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳа-  
ракатлар стратегияси тасдиқланган бўлиб, унга кўра қонун  
устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ  
қилиш иккинчи устувор йўналиш ҳисобланади.**

Ушбу устувор йўналишда «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш; фуқароларнинг одил судловга тўсқинликсиз эришишини таъминлаш; одил судловни амалга ошириш самарадорлиги ва сифатини ошириш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва иқтисодий суд иш юритувининг процессуал асосларини такомиллаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Конституциямиз фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари дахлсизлигини, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслигини (19-модда), шунингдек, ҳар бир шахсга ўз хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқини кафолатлади (44-модда).

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқ ва эркинликлари ҳимояси суд томонидан таъминланади ва бу борада суд назорати инститuti алоҳида аҳамиятга эга.

Суд назорати – кенг маънода бу давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкilotлар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки мансабдор шахслар хатти-ҳаракатлари(қарорлари)нинг Конституция ва қонунларга мувофиқлигини текшириш юзасидан суднинг ўзига хос процессуал фаолиятидир.

Жиноят процессида суд назорати суд ҳокимиятининг мустақил конституциявий фаолият йўналиши бўлиб, инсон хуқуқ ва эркинликларини чеклаш ҳамда файрихуқуқий, асоссиз, адолатсиз хатти-ҳаракатлар ва қарорлар оқибатида бузилган хуқуқларни тиклаш билан боғлиқ хуқуқий муносабатларни тартибга солади.

Сўнгги йилларда жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида суд назоратини ўрнатиш, яъни “Хабеас корпус” институтини жорий қилиш ва уни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Хабеас корпус” деб ном олган қонун 1679 йил 26 майда Англияда қабул қилинган бўлиб, инсоният тарихида ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни чеклаган биринчи хужжат деб тан олинади. Унда “Ҳеч бир зот, эркин фуқаро суд қарорисиз ушлаб турили-

ши, қамоққа олиниши, мулкидан маҳрум қилиниши, қонундан ташқари деб эълон қилиниши, қувғин қилиниши мумкин эмас"лиги қайд этилган. Ушбу хужжатда белгиланган тартибга кўра, гумон қилинувчи, айланувчи суд хузурига дарҳол олиб келиниши ва шахсни қамоққа олишга суднинг розилигиги олиш учун қонуний асослантирилган тегишли хужжатлар тақдим қилиниши керак ва бундай асослар бўлмагандага шахс "Хабеас корпус" бўйргани чиқариш йўли билан озод қилинади.

"Хабеас корпус" институтини жорий қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида жиноят-процессуал қонунчилиги тақомиллаштирилиб, бугунги кунда жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида кўйидаги ҳаракатлар фақат суднинг рухсати, яъни ажримига асосан амалга оширилади:

- 1) эҳтиёт чораси сифатида шахсга нисбатан қамоққа олиш ёки ўй қамоги тарзидағи эҳтиёт чораларини қўллаши ва ушбу эҳтиёт чораларининг муддатларини узайтириш;**
- 2) шахсга нисбатан амнистия актини қўллаши;**
- 3) айланувчини лавозимидан четлаштириши;**
- 4) шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ва айланувчини тиббий муассасада бўлиш муддатини узайтириш;**
- 5) почта-телеграф жўнатмаларини хатлаши;**
- 6) мурдани экслумация қилиши.**


Суд назоратини ўрнатиш борасида амалга оширилган ишларнинг аҳамиятини таъкидлаш билан бир қаторда, бу борада қонунчиликни янада тақомиллаштириш зарурияти мавжудлигини ҳам қайд этишимиз лозим.

Суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва органлари фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш бўйича қонунчиликни тақомиллаштириш масалаларининг долзарбалиги кўйидагилар билан белгиланади.

Биринчидан, суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва органлари фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш борасида қонунчиликни тақомиллаштириш, хусусан миллий қонунчилигимизни умумётirof этилган халқаро ҳукукий принципларга мувофиқлаштириш зарурияти мавжуд.

Энг муҳими, ушбу масалани атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб, натижаси юзасидан амалдаги қонунчиликни тақомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, Конституциямизнинг 19-моддасидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишига ҳеч ким ҳақли эмаслиги, шунингдек, 44-моддасидаги ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши тўғрисидаги қоидаларга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган «Хабеас корпус» институтини қўллаш соҳасини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш каби вазифаларга тўла мувофиқ келади.

Иккинчидан, тан олиб айтишимиз керак, шу кунга қадар Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодексларида "суд назорати" тушунчасига ҳукукий жиҳатдан аниқ таъриф берилмаган, яъни суриштирув, дастлабки тергов ва жазони ижро этиш босқичида суд назоратини амалга ошириш принциплари,





мақсад да вазифалари, тартиби, шакллари, унинг доирасини белгилайдиган махсус нормалар мавжуд эмас.

Суд назорати институтини тұла амалга кириши орқали фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилиши ва чекланишининг олдини олишга, бузилган ҳуқуқларни ўз вақтида тиклашга ва қонунда белгиланған тартибга риоя қилинмаган ҳолда чиқарылған суриштирув, дастлабки тергов органлари, шунингдек, жазони ижро этиш муассасалари ва органлари қарорларини бекор қилишга еришилади.

**Жиноят-процессуал кодексининг 47-боби суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қонунлар ижро этилиши устидан назорати масаласига бағишлилган бўлиб, ушбу бобда фақат бу борада прокурор назорати хусусида сўз юритилган.**

Худди шунингдек, амалдаги Жиноят-ижроия кодексида жазоларни ижро этувчи муассасалар ва органлар мансабдор шахсларининг маҳкумларнинг ҳуқуқларини чекловчи, шу жумладан, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини кўллаш ҳақидаги қарорлари устидан судга шикоят қилишнинг ва суд томонидан бундай шикоятларни кўриб чиқишининг аниқ тартиби назарда тутилмаган.

Шунга кўра, судга қадар иш юритиш ҳамда жиноий жазоларни ижро этиш босқичида суд назоратини амалга оширишда АҚШ, Германия, Франция, Швеция, Грузия каби хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш мамлакатимизда ушбу ҳуқуқий институтни ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади.

Учинчидан, келгусида суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон

Республикаси ЖПКда назарда тутилган бир қатор процессуал ҳаракатларни, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 158-моддасида назарда тутилган тинтув ўтказиш, ЖПК 21-бобида белгиланған телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, ЖПК 290-моддасида белгиланған мол-мулкни хатлашни факат судьянинг санкцияси асосида ўтказиш ва қўллаш тартибини жорий қилиш мақсадга мувофиқидир.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан судларга ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш имконини бериши билан бир қаторда, «Хабеас корпус» институтини кўллаш соҳасини янада кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларининг ўрнатилишига хизмат қиласи.

**Демак, суриштирув, дастлабки тергов органлари ҳамда жазони ижро этиш муассасалари ва органлари фаолияти устидан суд назоратини жорий қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш натижасида:**

*а) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси кучайтирилади;*

*б) суд ҳокимиятининг ваколатлари кенгайтирилади ва фуқароларнинг одил судловга эришиши даражаси оширилади;*

*в) миллий қонунчилигимиз халқаро ва ривожланган хорижий давлатлар қонунчилиги билан ўзаро мувофиқлаштирилади.*

# Ибраһ

*Аллоҳ таоло: “Албатта, Аллоҳ адолатга, эҳсонга, қариндошларга яхшилик қилишига амр этадир ва фахшу мункар ҳамда зулмкорликтан қайтарур”, деган (Наҳл, 90).*



“Эҳсонга амр этади”. Эҳсон сўзи яхшилик қилиши маъносини англатади. Исломда эҳсоннинг эшиги кенг очилган. Қатъий адолат юзасидан ҳукм чиққандан сўнг бирор яхшилик қилиши ниятида ўз ҳақидан кечиб, бошқага бериши мумкин. Кимки ёр-биродарлари ёки бошқа инсонларга яхшилик қилса, жуда яхши, савоблари кўпайтириб берилади.

“Қариндошларга яхшилик қилишига амр этадир”.

Бошқаларга яхшилик қилиши ичida, айниқса, қариндошларга яхшилик этиши алоҳида ўрин тутади. Чунки, уларнинг ҳам қариндошлик ҳам инсон-

лик ҳақлари бор. “...ва фахшу мункар ҳамда зулмкорликтан қайтарадир”.

“Фахш” сўзининг лугавий маъноси ҳаддан ошишидир. Лекин урфда кишилар номусига тааллуқли жиноятлар тушунилади.

“Мункар” деганда, инсоннинг соғтабиати инкор қиласидиган ишлар кўзда тутиласди. Буни, албатта, шариат ҳам инкор этади.

“Зулмкорлик” эса, хаққа тажсовуз қилиши ва адолатни бузшидир.





**Азизбек  
Атажанов,**  
Тошкент вилояти  
маъмурӣ суди  
судъяси катта  
ердамчиси

## МЕРОС ҲУҚУҚИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ



**Аҳорробек  
ЭРАЛИЕВ,**

Тошкент  
вилояти Қиброй  
тумани маъмурӣ  
суди раиси

**Мерос ҳуқуқи ўзининг консерватив хусусиятига эга эканлигига қарамай, ҳар қандай жамиятда ва ҳар қандай давлатда ўзининг долзарбилигини йўқотмайди. Ҳар бир шахс унинг хоҳиш иродасидан қатъи назар, умри давомида инкор бўлмас ҳақиқатга рўбарў бўлади, яъни меросхўр сифатида, шунингдек, ҳаётидаги бир марта мерос қолдирувчи сифатида фуқаролик муносабатларига киришади.**

Хусусий мулк институтининг шаклланиб бориши ва оилавий муносабатларнинг ри-вожланиши унинг ҳуқуқий асосларини яна бир бор кўриб чиқишига ундади.

Мазкур масаланинг икки хил ечими мавжуд бўлиб,

✓ биринчиси, васиятноманинг қатъиши, яъни васият бўйича меросхўр мерос мол-мулкни тўлиқ, эмин-эркин тасарруф этиши;

✓ иккинчиси, мерос қолдирувчининг ёрдамга муҳтож яқинларини ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш.

Мамлакатимизда мерос институтини шакллантириш ва уни амалиётга тадбиқ этишда дунёning барча ҳуқуқ тизимларида амал қилувчи, васиятноманинг эркинлиги ва оила манфаатлари ҳимояси принципларига амал қилинади.

Шу ўринда мерос институти бўйича мозига назар ташласак.

Мерос масалалари бўйича илк ёзувлар эрамиздан аввалги XVIII асрдаги Хамураппи қонунларида учрайди. Мазкур Қонуннинг 165-моддасига кўра, “Ота ўз мулкини фарзандларидан бирига ҳадя қилиш орқали унинг меросдаги улушини ошириши мумкин”-лиги ёзилган<sup>1</sup>. Шунингдек, ушбу Қонуннинг 168-моддасида ота ўз фарзандини, агар бунга етарли асос мавжуд бўлса, меросдан маҳрум қилишга ҳақлилиги хусусида сўз юритилади. Хамураппи қонунларига кўра, факат ўғил меросхўр сифатида тан олинган.

Бир неча давр кейинроқ, қадимги Юнонистонда м.ав. VI асрда чекланган тарзда бўлса ҳам васиятнома бўйича ворислик институти пайдо бўлади<sup>2</sup>. Чекланган дейишимизга сабаб васият қолдирувчининг ўғил фарзанди бўлмасагина, ўз мулкини васият килиб қолдириш ҳуқуқига эга бўлган.

Қайд этиш жоизки, мерос ҳуқуқининг бунгни ҳолатда мавжуд бўлишига Рим ҳуқуқи улкан таъсир кўрсатди, десак хато бўлмайди. Мерос ҳуқуқини тўлиқ тартибга солувчи нормалар Рим ҳуқуқида ўз аксини топган.





Тан олиш керак, мерос билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низолар фуқаролик хукуқида мураккаб тоифадаги ишлар хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми томонидан мерос ҳукуқи билан боғлиқ икки бора Пленум қарори қабул қилинган. Биринчи маротаба 2000 йил 22 декабрда “Мерос ҳукуқига оид қонунларни кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 33-сонли қарори, иккинчи маротаба 2011 йил 20 июлда қабул қилинган “Судлар томонидан мерос ҳукуқига оид қонунчиликнинг кўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли Пленум қарори. Мазкур қарор билан 2000 йил 22 декабрдаги 33-сонли Пленум қарори ўз кучини йўқотган деб топилган.

2011 йил 20 июлда қабул қилинган 5-сонли Пленум қарорида мерос ҳукуқини тушунишига кенгроқ ёндашилиб, Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 14 сентябрдаги 255-сонли Қонунига мувофиқ Фуқаролик кодексининг 1140<sup>1</sup>-моддаси (Меросни қабул қилиб олиш ҳукуқининг ўтиши (мерос трансмиссияси) билан тўлдирилиши ва мазкур модда бўйича Пленум қарорида раҳбарий тушунишилар берилиб, фуқаролик қонунчилигида очиқ қолган айрим саволларга жавоб берилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, Олий суд Пленуми қарорида 1963 йилдаги Гражданлик кодексини кўллаш мумкин бўлган ҳолатлар кўрсатиб ўтилган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, мерос ҳукуқи билан боғлиқ фуқаролик ишлари мураккаб ишлар тоифасига кириб, шахснинг муйян ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига таъсир кўрсатиш ҳамда у учун маълум мажбуриятлар келтириб чиқариш хусусиятига эга эканлиги билан ажralиб туради.

**Мерос билан боғлиқ низоли ишларни судда кўриб чиқишининг ўзига хос бир қатор хусусиятлари мавжуд бўлиб, улар қуийдагилардан иборат:**

меросга оид низоли ишларниң универсал ворислик қоидаларидан келиб чиқиб ҳал этилиши;

меросга бўлган ҳукуқнинг ахамияти ва ўрнини эътиборга олган ҳолда миллий қонунчиликда унга алоҳида эътибор берилганлиги (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг IX боби);

мерос ишларини ҳал қилиши ва колатининг миллий қонунчиликка асосан нотариал идоралари ва судларга берилганлиги;

меросга оид низоли ишларни суд тартибида кўриб, ҳал этишида, асосан ишга жалб этиладиган шахслар доирасининг жуда кенглиги;

қонунда назарда туттилган ҳолларда мерос муносабатларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 1 мартаңдан амалга киритилган янги Фуқаролик кодекси нормалари билан бир қаторда 1963 йилдаги Гражданлик кодекси нормаларининг ҳам татбиқ этилиши;

меросга оид низоли ишларниң баъзи турлари (васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ва мерос гувоҳномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги ишлар) бўйича ишлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик

процессуал кодексининг 40-моддасида белгиланган тарафларнинг келишув битими тузиш ҳуқуқидан фойдаланишига ўйл қўйил маслиги;

 васиятнома ва мерос гувоҳномаси бир томонлама битим мақомига эга бўлганилиги сабабли уларни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги талабларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг битимни ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги нормалари (113-128-моддалари) нинг татбиқ этилиши;

 меросга оид низоли ишларни ҳал этишида моддий ҳуқуқ нормаларида белгиланган муддатларнинг хилма-хиллиги;

 меросга оид низоли ишларни ҳал этишида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида белгиланган нормаларга ҳам асосланishi (масалан қонунда тўртинчи ва ундан кейинги навбатдаги меросхўрларнинг кимлиги аниқ белгиланмаганилиги учун ушбу шахсларнинг доирасини аниқлашда суднинг оила қонунчилигидаги қариндошлик даражалари билан бозлиқ нормаларга таяниши);

 меросга оид ишлар тоифасининг жуда ҳам кўплиги ва уларни кўриб ҳал этиш судлар учун катта ҳажмдаги иш юкламасини вужудга келтириши сабабли мазкур тоифадаги ишлар билан муаммоли жиҳатларни тартибга солишига қаратилган Ўзбекистон

Республикаси Олий суди Пленумининг алоҳида қарори мавжудлиги (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлда қабул қилинган “Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”ги 5-сонли қарори);

 меросга оид низоли ишлар юзасидан суд томонидан қабул қилинадиган ҳал қилув қарорларини ижро қилувчи органларнинг хилма-хиллиги, яъни мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳал қилув қарорларининг мажбурий ижро бюоролари, кадастр хизмати, ЙХБ бўйимлари ва бошқа органлар томонидан ижро этилиши ва бошқа хусусиятлар.

Турли ҳуқуқий оиласарга мансуб ривожланган давлатларда, жумладан, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Голландияда нотариал тасдиқланиши шарт бўлмаган, васият қолдирувчининг ўз қўли билан ёзилган васиятномалар қолдириши оммалашган. Санаб ўтилган давлатларнинг қонунчилиги бундай васиятномаларни ҳақиқий деб топади ва ижросини тўлиқ таъминлайди.

Миллий қонунчилигимизда бундай тарзда тузилган васиятномалар бошиданоқ ҳақиқий эмас деб ҳисобланиб, бирон ҳуқуқий оқибат келтириб чиқармайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига мувофиқ, “фуқаронинг ўзига тегишли мол-мulkни ёки бу мол-мulkка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳишордаси васият деб ётироф қилинади”<sup>3</sup>.

Васиятнома бу бир томонлама битим, Мазкур битим амалдаги қонун талабларига жавоб бериши керак. Шунга кўра, васиятнома тузилишида қонун талабларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

### Васиятноманинг шакли ва тузилиш тартиби

#### ШАРТЛАРИ:

- Ёзма шаклда түзилади (vasiyat қолдирувчининг ўзи ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан техника воситаларидан фойдаланган холда ёзилади);

- Нотариус томонидан тасдиқланади (тасдиқланувчи ёзув киритилади ва нотариус мухри билан мустаҳкамланади).

#### РИОЯ ҚИЛМАСЛИК ОҚИБАТЛАРИ:

- Висиятномани оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади;
- Висият қолдирувчининг ўрнига висиятномани имзолаши мумкин бўлмаган шахсларнинг имзолаши висиятноманинг ҳақиқий эмас деб топишга асос бўла олади.



Васиятномани тузишда васиятнома ва васият қолдирувчининг хоҳиш иродасига таъсир қилмайдиган, кам аҳамиятли нуксонлар васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўла олмайди.

Васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳакидаги даъво талаблари билан васиятнома тузилиши оқибатида ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилган шахслар, яъни қонун бўйича меросхўрлар (мажбурий ҳиссага эга ворис), бошқа васиятнома бўйича меросхўрлар чиқишлари мумкин.

Қонун чиқарувчи томонидан васиятнома очилмагунга қадар, яъни васият қолдирувчи вафотига қадар васиятнома бўйича бирон ҳуқуқий оқибат вужудга келмаслиги сабабли унинг юзасидан низолашибашга йўл қўйилмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.



### Васиятноманинг ҳақиқий эмаслиги

**Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилса**

**Суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилишидан қатъи назар**

**Васиятноманинг ёзма шаклига риоя қилинмаганлиги ва нотариус томонидан тасдиқланмаганлиги.**

- Муомала лаёқатига эга бўлмаган шахс қолдирса;
- Вакиллар томонидан тузилса;
- Бир неча шахснинг номидан тузилса.

**Ворислик муносабатларининг тартибга солиниши юзасидан қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин.**

Статистик маълумотлардан, мерос билан боғлиқ ишларнинг кўпчилик қисмини васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳакидаги фуқаролик ишлари ташкил этиши кўринади. Мазкур ишларни кўриш бўйича суд амалиётiga қарагандা, даъвогарларнинг важлари турли кўринишда учрайди.

Жумладан, васиятнома тузилган вақт билан боғлиқ ёки васият қолдирувчининг ўрнига бошқа шахснинг имзо кўйганлиги билан боғлиқ ҳолатлар кўпчилик низолар предмети сифатида намоён бўлади.

Амалдаги Фуқаролик кодекси 1124-моддасининг 4-қисмига кўра, қонун бошқа шахс томонидан васиятномани имзолаш ҳолатларига йўл қўяди. Хусусан, ушбу нормада “Агар васият қилувчи жисмоний нуксонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай

олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганинг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин”<sup>4</sup>лиги белгиланган.

Фикримизча, мазкур моддий ҳуқуқ нормасининг ушбу қисмини ўзгартириб, унга: “васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганинг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага” - деган сўзлардан сўнг “МФЙ раиси” деган жумлани киритиш давр талаби бўлиб қолмоқда. Чунки, васиятномани тасдиқлаётган ҳолатнинг маҳалла раиси иштироқида қайд этилиши нотариал ҳаракатнинг қонунийлигини таъминлаш билан бир пайтда, бошқа меросхўрларнинг низоли талабларини суд тартибида қонуний, асосли ва адолатли кўриб чиқилиши учун замин яратган бўлар эди.

Бундан ташкари, мазкур моддага: “Васиятнома тасдиқланган сана ва жой (манзил) унинг сўнгида кўрсатилиши лозим. Мазкур Кодекснинг 1125-модда 5-қисми бундан мустасно” мазмундаги 8-бандни қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади.

1124-моддага киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мерос қолдирувчи, васият бўйича меросхўрларнинг ҳак-ҳукуқларини янада мустаҳкамлашга шароит яратиб беради, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1125-моддасида нотариал тасдиқланган васиятнома ҳақида сўз юритилади, аммо мазкур жараёнда гувоҳларнинг ўрни қонун чиқарувчи томонидан аниқ белгилаб берилмаган. Амалиётда, васият очил-

гандан сўнг, нотариус томонидан васият қолдирувчининг сўзларидан ёзиб олинган васиятномалар бўйича ҳам низолар келиб чиқади. Мазкур низоларнинг олдини олиш мақсадида Фуқаролик Кодекси 1125-моддасининг 1-қисми “Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан” деган сўзлардан сўнг “гувоҳлар иштирокида” деган сўзлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Бундан ташқари, мазкур модданинг 3-қисми ҳам ўзгартирилиши лозим.

Фуқаролик кодекси 1125-моддасининг 3-қисми матни қуйидагича белгиланган: “Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади, бу ҳакда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади”<sup>5</sup>.

Қонун мазмунидан маълум бўлишича, нотариус васият қолдирувчининг сўзларидан ёзган васиятномани ўқиб эшиттиради. Агар васият қолдирувчининг соғлиғи қониқарли эмаслигини инобатга олсак, нотариуснинг қонуний иш тутганилигига меросхўрлардан бирининг, масалан, камроқ мерос улуши олган вориснинг шубҳаси ортади ва бу турли низоларни келтириб чиқарди.

Бундан ташқари, васиятнома мазмунини ўзгартириш мумкин бўлган субъектив сабаблар бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда, нотариуснинг холислигини таъминловчи ҳолатлар шубҳа остида қолади. Бу ҳолатни бартараф этиш учун 1125-модданинг

3-қисмини қуйидаги мазмунда: “Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига гувоҳ томонидан нотариус хузурида ўқиб эшиттирилади, бу ҳакда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганлигининг сабаблари кўрсатилади” – деб ўзгартириш лозим бўлади.

Мерос билан боғлиқ низоларни кўришда шундай мураккаб масалалар учрайдики, уларнинг ечими бўйича қонуний тўхтамга келиш учун амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб этилади.

Масалан, ФКнинг 1148-моддаси 3-қисмida “Меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечатганини кўрсатишга ҳақли”лиги қайд этилган. Қонуннинг мазмунидан васият бўйича меросхўр ўз мерос улушидан васиятнома бўйича қолган меросхўрлар ёки қонун бўйича меросхўрлар фойдасига воз кечишилиги мумкинлиги тушунилмоқда. Васият бўйича меросхўр мерос бўйича ўз улушини васиятномада кўрсатилмаган, лекин қонун бўйича меросхўр бўлиш ҳуқуқига эга шахс фойдасига воз кечса васият қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродасига қарши чиқлаётгандай бўлмайдими?

Сабаб — мерос қолдирувчининг сўнгги хоҳиш-иродасига кўра (vasиятнома) унинг мол-мулкига айнан васиятномада кўрсатилган шахслар эгалик қилиши керак. Агар васиятномада кўрсатилган шахслар мерос мулкдан воз кечса, фақат васиятнома бўйича қолган меросхўрлар фойдасига воз кечиши лозим. Шунда ҳам меросдан воз кечувчи шахс мерос бўйича ўз улушидан кимнинг фойдасига воз кечганлигини кўрсатишга ҳақли эмас. Агар мазкур жумла конунга киритилса, мерос мулкнинг тақдири мерос қолдирувчининг мол-мулкини унинг вафотидан сўнг тасарруф этилишидаги хоҳиш-иродасига яқинлаштиради.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. [www.his.msu.ru](http://www.his.msu.ru)
2. Немков А.М. Очерки истории наследственного права. Воронеж 1979 г.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1996 йил 29 август.
4. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1996 йил 29 август.
5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1996 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 1996 йил 29 август.



## УМУМЛАШТИРИШ



**ODILLIK  
MEZONI**  
www.odillikmezoni.kz

**Насиба  
Абдураҳмонова,**  
Судъялар Олий мактаби  
бош мутахассиси

# ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ ЭГАЛИГИГА ОИД НИЗОЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМ

(Охири. Бошланиши ўтган сонда.)

**Умумлаштириши натижалари ҳамда суд амалиётида аниқланган камчиликлардан келиб чиқиб, судларда хусусий уй-жой эгалигига оид низолар билан боғлиқ юқорида қайд этилган низоларни кўришда қонун нормаларини тўғри қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш ҳамда қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан қўйидағилар тавсия этилади:**

- ➡ **Таҳлил якунларини Олий суд Раёсатининг йиғилишида муҳокама қилиш.**
- ➡ **Судларга хусусий уй-жой эгалигига оид низолар билан боғлиқ низоларни кўришда:**

➡ судлар мазкур тоифадаги фуқаролик ишларини судда кўришга тайинлаш жараёнига алоҳида эътибор билан ёндашиб, даъво аризаларини иш юритувига қабул қилишда иш учун аҳамиятили бўлган барча ҳужжатларнинг тақдим этилганлигини текширишлари;

➡ ишни судда кўриш жараёнида низоли уй-жойда яшовчи шахсларни аниқлаши бўйича барча чораларни кўриб, бундан манфаатдор шахсларни ҳам ишни кўришга жалб қилиш чораларини кўришлари;

➡ уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги низоларни кўришда, низоли уй-жойда мавжуд бўлган хоналарни, фойдаланишда бўлган умумий майдонни ва ёрдамчи хўжалик биноларини ҳисобга олиб, айрим хоналарни қайта қуриш ҳисобига уй-жойдан фойдаланиш имконияти мавжуслиги тўғрисида тегишли экспертиза хупосаларига асосланган ҳал қилув қарорлари қабул қилишлари;

➡ уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги ишлар юзасидан қонуний тўхтамага келишида

тарафларга ажратилган барча хона ҳамда кўшимча ва ёрдамчи иморатлардан фойдаланиш тартибини ҳал қилув қарорида аниқ кўрсатишлари;

➡ турар-жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлар, уй-жой мулкдорлари ўзгарганидан кейин янги мулкдорнинг талабига кўра уй-жойни бўшатиб бермаганлар, ижара ёки аренда шартномасининг муддати тугаганидан сўнг, шартнома муддатини узайтирганлар ёки янги шартнома тузмаганларга бошқа турар-жой бермасдан кўчирилишларини эътиборга олишлари;

➡ шунингдек, нотариал тартибда тузилган уй-жойни олди-сотди шартномасида сотувчи ва унинг оила аъзоларининг турар-жой рўйхатидан чиқиб кетиши муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса шартнома тузилган кундан эътиборан фойдаланиши ҳуқуқини йўқотган деб ҳисобланishiга эътибор қаратишлари;

➡ уй-жойга оид низолар билан боғлиқ ишларни кўриш бўйича суд амалиётини бир хил юритилишини таъминлаш мақсадида судлар томонидан ўқув-семинар машгулотларида тушунтириш ишларини олиб бориш лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг уй-жойга оид нормаларини таомиллаштириш юзасидан қуийдаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.**



Кўчмас мулкни олди-сотди шартномаси расмийлаштирилганидан кейин уни давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини белгилаш, хусусий мулқдаги уй-жойи бўлган фуқаролардан солиқ ва бошқа тўловларни ундириш мақсадида, шунингдек, шартномани давлат рўйхатидан ўтказмаслик оқибатида турли низоларнинг келиб чиқишини бартараф этишга хизмат қиласди.

**Юқоридагиларга кўра ФКнинг 481-моддаси 1-қисмини қуийдаги таҳрирда ўзгартириш таклиф этилади:**

Кўчмас мулкни сотиши шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк хукуқининг сотиб олувчига ўтганлиги ўн кундан кечиктирмасдан давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.



Ижарага олувчи вафот этганда, уни алмаштирадиган шахслар йўқлиги ёки бошқа шахслар уни алмаштиришни истамаслиги ҳолатида, шунингдек, бир шахс томонидан ижарага олиб яшовчи бўлган ҳолатда унинг вафотидан сўнг ижарага олувчини алмаштирувчи шахс мавжуд эмаслиги ҳолларида ижара шартномасини бекор қилишда ечим бўлиб хизмат қиласди.

**Баён этилганларга кўра, ФКнинг 615-моддасини қуийдаги янги қисм билан тўлдириш таклиф этилади:**

Ижарага олувчи вафот этган, бедарак йўқолган деб эълон қилинган ҳамда муомалага лаёқатсиз деб топилганда, ушбу Кодекснинг 614-моддасига асосан ижарага олувчини алмаштирувчи тараф бўлмаса, шартнома бир томонлама нотариус томонидан бекор қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг уй-жойга оид нормаларини таомиллаштириш юзасидан қуийдаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади.**

Амалдаги Уй-жой кодексида хусусий уй-жой фондининг уйларидан фойдаланиш хукуқини тартибга солувчи нормалар мавжуд эмас. Ҳозирги кунга қадар муниципал, идоравий ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонdlари уйларидан фойдаланиш бўйича нормалар қўлланилиб келинади.

Шу боис, Уй-жой кодексига 32<sup>1</sup>-моддасини киритиш таклиф этилади:

**32<sup>1</sup>-модда.** Вақтинча бўлмаган фуқароларнинг турар-жойдан фойдаланиш хукуклари сақланиши

Хусусий уй-жой фондининг уйларидағи турар-жойни ижарага олувчи билан доимий яшаётган фуқаролар вақтинча бўлмаганида, турар-жой олти ой муддат давомида унинг хисобида сақланиб туради.





**Вақтингча бўлмаганида фуқароларнинг турар-жойи қуидаги ҳолларда олти ойдан ортиқ муддат сақланиб туради:**

ҳарбий хизматга чақирилганда – чақирув бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;

контракт бўйича ҳарбий хизматга чақирилганда – контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташнинг бутун даври мобайнида;

иш шароити ва хусусияти бўйича (кема экипажи, геология, қидируг партиялари экспедицияларининг ходимлари ва ҳоказолар), чет элга хизмат сафарида бўлиши ёки таълим олиши муносабати билан (талабалар, катта иммий ходим-изланувчилар ва бошқалар) доимий яшаши жойидан вақтингча жўнаб кетганда - ушбу ишини бажариши, хизмат сафарида бўлиши ёки таълим олишининг бутун даври мобайнида;

болалар тарбиялаш учун болалар муассасасига, қариндошларга ёки ҳомийларга, васийларга топширилганда улар ушбу муассасада, қариндошлар ёки ҳомийлар, васийлар қарамогида бўладиган бутун давр мобайнида;

ҳомий ва васий вазифасини бажариши муносабати билан жўнаб кетганда ушбу вазифаларни бажарининг бутун даври мобайнида;

даволаш учун даволаш профилактика муассасаларга жўнаб кетганда – даволанишининг бутун даври мобайнида;

қамалгандা ёки ушбу турар-жойда яшаши имкониятини истисно этувчи озодликдан маҳрум этиш ёки бошка жазо чорасига маҳкум этилганда – қамоқда бўлишининг ёки жазони ўташнинг бутун даври мобайнида, агар турар-жойда оиласининг бошка аъзолари яшаши учун қолган бўлса.

Вақтингча бўлмаганида шахснинг турар-жойдан фойдаланиш ҳукуки ушбу

модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган муддатлар тугаган кундан бошлаб олти ой давомида сақланиб қолади.

Вақтингча бўлмаганида фуқароларнинг хусусий уй-жой фондининг уйларидаги турар-жойи сақланиши муддатлари ижарага олувчи ва мулкдорнинг ўзаро келишуви билан қисқартирилиши мумкин.

Хусусий уй-жой фондининг уйларидан, яъни фуқароларнинг хусусий мулки бўлган уй-жойларда белгиланган муддатдан ортиқ яшамаётган, лекин шу уй-жойда рўйхатда турган фуқароларга нисбатан турар-жойдан фойдаланиш ҳукукини йўқотган деб топиш тўғрисидаги даъво аризалари бўйича ҳал қилув қарори чиқаришда муниципал, идоравий уй-жой фонди ва аниқ мақсадли коммунал уй-жой фондининг уйларидан турар-жойлардан фойдаланиш тўғрисидаги модда нормалари кўлланилмоқда (Уй-жой Кодексининг 54-моддаси).

Уй-жой олди-сотди шартномаси бўйича рўйхатдан чиқиб кетиш мажбуриятини олган, лекин кўрсатилган муддатда рўйхатдан чиқмаган фуқароларни рўйхатдан чиқариш тўғрисидаги қоида қонунда мавжуд эмас. Мазкур қоида Олий суд Пленуми қарорида мавжуд.

**Кимки ёвузликни кўра турриб, уни жазоламаса, ёвузлик содир бўлишига имкон яратган бўлади.**

**ЛЕОНАРДО ДА ВИНЧИ**



Шу боис, Уй-жой Кодексига 32<sup>2</sup>-модда-сими киритиш зарур.

**32<sup>2</sup>-модда.** Фуқароларнинг турар-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш

Фуқароларни белгиланган муддатдан ортиқ бўлмаганлари оқибатида хусусий уй-жой фондининг уйларидағи турар-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топиш мулкдорнинг ёки ушбу турар-жойда яшаб қолган бошқа доимий фойдаланувчиларнинг даъво аризасига асосан суд тартибида амалга оширилади.

Нотариал тартибида тузилган уй-жойни олди-сотди шартномасида сотовчи ва унинг оила аъзоларининг турар-жой рўйхатидан чиқиб кетиш муддати кўрсатилган бўлса, шу муддат тугаган кундан, муддат кўрсатилмаган бўлса шартнома тузилган кундан эътиборан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб ҳисобланади.

Мулкдорга нисбатан турар-жойдан фойдаланиш хуқуқини йўқотган деб топишга йўл қўйилмайди.

**Хусусий уй-жой фондининг уйларидағи турар-жойлардан кўчириш қоидалари Уй-жой Кодексининг 4-бобида назарда тутилмаган. Судлар томонидан турар-жойдан кўчириш ҳақидаги ишларни кўришда ушбу Кодексининг 70-, 71-, 74-моддаларида бошқа тоифадаги уй-жой қоидалари қўлланилмоқда.**

Шу боис, Уй-жой Кодексини 32<sup>3</sup> ва 32<sup>4</sup>-моддалари билан тўлдириш таклиф этилади.

### **32<sup>3</sup>-модда. Вақтинча фойдаланувчилар**

Хусусий уй-жой фондининг уйларидағи турар-жой мулкдорлари ўзаро келишувга биноан вақтинча яшовчиларга (фойдаланувчиларга) турар-жойга текин яшаб туришлари учун рухсат этишга ҳақлидир. Вақтинча яшовчиларнинг яшаб туриш муддати тарагфларнинг келишуви билан белгиланади.

Вақтинча яшовчилар турар-жойдан фойдаланишда мустақил хуқуққа эга бўладилар.

Вақтинча яшовчилар улар билан келишилган яшаб туриш муддати ўтганидан кейин, агарда бундай муддат келишилмаган бўлса, мулкдор томонидан тегишли талаб қўйилган кундан эътиборан қўпи билан етти кун ичидаги турар-жойни бўшатишлари шарт. Талаб рад этилган тақдирда вақтинча яшовчилар суд тартибида бошқа турар-жой бермасдан кўчирилишлари лозим.

Бир киши ҳисобга тўғри келадиган уй-жой майдонининг ижтимоий нормаси ҳақидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилмаса, мулкдор турар-жойдан вақтинча яшовчиларнинг яшаб туришларини тақиқлаб қўйиши мумкин.

### **32<sup>4</sup>-модда. Турар-жойдан кўчириш**

Хусусий уй-жой фондининг уйларидағи эгаллаб турилган турар-жойдан кўчиришга ушбу Кодексда белгиланган асослар бўйича йўл қўйилади.

Кўчириш суд тартибида амалга оширилади.

Фуқароларга бошқа обод турар-жой берган ҳолда улар хусусий уй-жой фондининг уйларидағи турар-жойлардан қуидаги ҳолларда кўчирилади:

Агар турар-жой жойлашган уй бузилиши керак бўлса;

Турар-жой белгиланган тартибида авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса;

Турар-жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилаётган бўлса.

Турар-жойлар жойлашган хусусий уй-жой фондининг уйи давлат ва жамоат эҳтиёклари учун ер участкаси ажратилиши муносабати билан бузилиши керак бўлса ёхуд турар-жой яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлса, ушбу турар-жойдан кўчирилаётган фуқароларга бошқа турар-жой берилади ва бу турар-жой ер участкаси ажратилаётган ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойга ўтказилиши лозим бўлган турар-жой берилади ва бу турар-жой ташкилотлар томонидан берилади.

Агар турар-жой авария ҳолатида ёки яшаш учун яроқсиз деб топилган бўлса, ушбу турар-жойдан кўчирилаётган фуқаро-



ларга маҳаллий давлат ҳокимияти органи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа обод туарар-жой беради.

Кўчирилиши муносабати билан фуқароларга берилаётган бошқа обод туарар-жой ушбу Кодекснинг 9-моддасида белгиланган туарар-жойларга нисбатан қўйиладиган талабларга жавоб бериши, шу аҳоли пункт чегараси доирасида бўлиши ва майдони илгари эгаллаб туринган майдондан кичик бўлмаслиги керак.

Агар фуқаро алоҳида квартирани ёки биттадан ортиқ хонани эгаллаб турган бўлса, унга тегишлича алоҳида квартира ёхуд худди шунча хонали туарар-жой берилиши лозим.

Агар фуқаро ортиқча уй-жой майдонига эга бўлган бўлса, туарар-жой бир киши ҳисобга уй-жой нормасининг белгиланган ижтимоий нормасидан кам бўлмаган ҳажмда, қўшимча уй-жой майдони олиш хуқуқига эга бўлган ва амалда ундан фойдаланиб келган фуқарога ёки унинг оила аъзоларига – қўшимча уй-жой майдони нормаси ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Кўчирилаётган шахсга берилган туарар-жой фуқарони кўчириш тўғрисидаги суд қарорида, маъмурий тартибда кўчирилаётганда эса, прокурор қарорида кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар хусусий уй-жой фондининг уйларидаги туарар-жойни ижарага олувчи, унинг оила аъзолари ёки у билан доимий яшаётган фуқаролар туарар-жойни бузайётган ёхуд шикастлантираётган фуқаролар ёки ундан ўз мақсади бўйича фойдаланмаётган ёхуд

турмуш қоидаларини мунтазам бузиб бошқаларнинг у билан бир квартирага ёки бир уйда яшаш имконини бермаётган бўлсалар, бундай огоҳлантиришлар ва жамоат таъсир чоралари натижа бермаган бўлса, шунингдек, шартномада узокроқ муддат белгиланмагани ҳолда ижарага олувчи туарар-жой ҳақини олти ой тўламаган бўлса, қисқа муддатли ижарада эса шартномада белгиланган тўлов муддати ўтганидан сўнг икки мартадан ортиқ тўламаган ҳолда ижарага берувчи ёки ўзга манфаатдор шахсларнинг талаби бўйича айбордорларни кўчириш бошқа туарар-жой бермасдан амалга оширилади. Шунингдек, ота-оналик хуқуқидан маҳрум этилган шахслар, ота-оналик хуқуқидан маҳрум бўлганликлари учун ўз фарзандлари билан бирга яшashi мумкин эмас деб топилса, улар бошқа туарар-жой бермасдан кўчирилишлари мумкин.

Бирга яшашга имкони бўлмаганлиги сабабли бошқа туарар-жой бермасдан кўчирилиши лозим бўлган шахслар ўзлари эгаллаб турган туарар-жойдан кўчирилишлари ўрнига уни алмаштиришдан манфаатдор тараф кўрсатган бошқа туарар-жойга алмаштиришга суд томонидан мажбур этилиши мумкин.

Туарар-жойни ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлар, уй-жой мулқдорлари ўзгарганидан кейин (олди-сотди қилинган бўлса) янги мулқдорнинг талабига кўра уй-жойни бўшатиб бермаганлар, ижара ёки аренда шартномасининг муддати тугаганидан сўнг, шартнома муддатини узайтирган ёки янги шартнома тузмаганлар бошқа туарар-жой бермасдан кўчириладилар.



**Назокат БАЙЗАКОВА,**  
Судьялар олий мактаби  
бош мутахассиси

# ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ НИМА?

**Баъзи ҳолатларда қурилиш пудрати ишларини амалга ошириш жараёнида тарафлар ўртасида низолар келиб чиқади. Бу эса судда ҳал қилинишига сабаб бўлаётган бир неча хўжалик ишларини вужудга келтирмоқда.**

**Тарафлар ўз ҳукуқларини ҳимоя қилишни сўраб судга мурожаат этар экан, қурилиш пудрати билан боғлиқ шартнома муносабатларидағи низоларни ҳал қилишда айрим вужудга келаётган муаммолар ва унинг ечими билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.**

Маълумки, қурилиш пудрати муносабатларида лойиҳа-смета хужжатларининг аҳамияти муҳим ҳисобланади. Бу эса тарафларнинг ҳукуқлари ва мажбуриятларини вужудга келиш асосларини ва доирасини белгилаб беради.

Фуқаролик кодексининг 670-моддаси қоидаларига мувофиқ, пудратчи қурилиш давомида лойиҳа-смета хужжатларидаги ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан кўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буюртмачига хабар бериши шарт.

Баъзи ҳолатларда пудратчи буюртмачини огоҳлантирган ҳолда лойиҳа-смета хужжатларидаги ҳисобга олинмаган ишларни бажариши оқибатида низолар вужудга келади. Айрим ҳолларда бу ишлар буюртмачи томонидан қабул қилинса, баъзи ҳолатларда қабул қилинса-да, зарарни қоплаш рад этилмоқда.

Қонунда буюртмачини огоҳлантириш шартлиги назарда тутилган экан, тарафлар ҳам ушбу нормага оғишмай риоя қилишлари лозим. Яъни шартномада назарда тутилган шаклда буюртмачини огоҳлантириши, унинг исботини тасдиқловчи хужжатларни судга тақдим этиши лозим. Бу эса, келгусида тегишли лойиҳа-смета хужжатлари шартлари, асосийси, шартно-

ма интизомига ва тарафлар ўртасида ҳамкорликнинг сақланиб қолинишига хизмат килади.

Яна бир ҳолат. Қурилиш ишларини бошлашдан аввал объект қай кўринишида бўлиши, қурилиш ишлари қай тарзда амалга оширилиши ва тарафлар қандай харажатлар қилиши мумкинлигини аниқлаб олиш лозим. Бу эса қурилиш пудрати шартномасининг ажралмас қисми бўлган ишларнинг ҳажми ва мазмунини белгилайдиган техник хужжатлар орқали аниқланади.

**Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси 39-моддасининг 1-қисмига кўра, лойиҳа-смета хужжатлари ҳажмий-режали, амалий ва техникавий ечимларни, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларнинг қурилиши, реконструкцияси ҳамда капитал таъмирланиши, шунингдек, ободонлаштириш ишлари қийматини белгилайди.**

Агар техник хужжатларга ўзгартишлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўла-

диган күшимча ишлар қиймати сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоизидан ошиб кетмаса ва қурилиш пудрати шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартираса, пудратчининг кўшимча ишлар бажарилиши лозимлиги тўгрисидаги хабарини олган ва унга розилик берган буюртмачи Фуқаролик кодексининг 671-моддаси биринчи қисмига мувофиқ пудратчининг розилигисиз лойиҳа-смета хужжатларига ўзгартишлар киритишга ҳақли. Бундай ҳолларда пудратчининг хабарномаси ва буюртмачининг лойиҳа-смета хужжатларига ўзгартишлар киритиши бўйича ҳаракатлари тарафларнинг кўшимча ишлар бажарилиши зарурлиги бўйича келишувини англатади ҳамда бу борада кўшимча келишув тузилиши талаб этилмайди.

**Демак, ушбу ҳолатда, буюртмачи томонидан техник хужжатларга ўзгартиш киритиш учун қуйидаги иккита талабнинг бирданига мавжуд бўлиши пудратчининг кўшимча ишларни бажаришдан бош тортишига йўл қўймайди:**

- кўшимча ишларнинг қурилиши сметаси умумий қийматининг ўн фоизидан ошинаслиги;
- ишининг мазмунини ўзгартирмаслиги, янги техник хужжатларнинг ўзгартирилиши таъмирлаш ишларининг янги обьектининг қурилишига олиб келмаслиги лозим.

Агар бажарилиши керак бўладиган кўшимча ишлар қиймати сметада кўрсатилган қурилиш умумий қийматининг ўн фоизидан ошган ва буюртмачи бунга розилик берган ҳолларда, лойиҳа-смета хужжатларига ўзгартишлар киритиш тарафлар томонидан расмийлаштириладиган келишувга кўра амалга оширилади.

Демак, тарафлар ўртасида кўшимча сметанинг ҳажми тўгрисида келишувга эришилмаса, буюртмачи техник хужжатларга бир томонлама ўзгартиш киритишга ҳақли эмас.

Агар пудратчи буюртмачидан ўн кун ичида кўшимча ишлар бажариш ва қурилиш смета қийматини ошириш зарурлиги тўгрисидаги ўз хабарига жавоб олмаган тақдирда, қонунда ёки қурилиш пудрати шартномасида бунинг учун бошқа муддат назарда тутилган бўлмаса, тегишли ишларни тўхтатиб, бекор туриб қолиш натижасида кўрилган заарни буюртмачининг зиммасига юклаши шарт. Шунингдек, агар кўшимча ишлар қиймати қурилиш умумий смета қийматининг ўн фоизидан ошинаса ва буюртма-



чи лойиҳа-смета хужжатларига ўзгартиш киритишга қарши бўлса, пудратчи шартномадан бош тортишга ва бажарган ишининг ҳақини тўлашни талаб қилишга ҳақлилигига эътибор қаратиш лозимлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, бъязан пудратчининг ўзиға боғлиқ бўлмаган ҳолатда нархнинг кескин ошиши, жумладан, электр энергияси, божхона ва мажбурий сугурта тўловларининг ошиши ҳолатлари юзага келиши мумкин.

Агар кўшимча ишлар қиймати қурилиш умумий смета қийматининг ўн фоизидан ошса ва буюртмачи лойиҳа-смета хужжатларига ўзгартиш киритишга қарши бўлса, пудратчи шартномадан бош тортишга ва бажарган ишининг ҳақини тўлашни талаб қилишга ёки ФКнинг 377-моддасида назарда тутилган шартнома баҳосини қайта кўриб чиқиши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

ФК 670-моддасининг олтинчи қисмига мувофиқ, қурилиш давомида аниқланган лойиҳа-смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишлар тўғрисида буюртмачини хабардор қилмаган ёки тегишли ишлар бажарилишини тўхтатмаган пудратчи кейинчалик буюртмачидан бажарилган кўшимча ишлар ҳақини тўлашни талаб қилиш ва етказилган заарни ундириш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Шунга кўра, агар низони судда ҳал этишда пудратчи томонидан ФК 670-моддасининг олтинчи қисмида белгиланган талабларга риоя қилинмаганлиги аниқланса, пудратчининг кўшимча бажарилган ишлар ҳақи ва кўрилган заарни ундириш талабини қаноатлантириш рад этилади. Бундай ҳолатда, агар пудратчи буюртмачининг манфаатини кўзлаб, хусусан ишининг тўхтатили-

ши қурилиш объектининг нобуд бўлишига ёки шикастланишига олиб келиши мумкин бўлганлиги муносабати билан дарҳол ҳаракат қилиш зарур бўлганлигини исботласа, пудратчининг қўшимча бажарилган ишлар ҳақини ва у билан боғлиқ зарарни ундириш талаби қаноатлантирилади. Бунда буюртмачининг манфаатини кўзлаб, дарҳол ҳаракат қилиш зарурлигини исботлаш мажбурияти пудратчи зиммасида бўлади.

Агар пудратчи белгиланган муддатда буюртмачини қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлиги тўғрисида олдиндан огохлантирган бўлса, буюртмачи томонидан қўшимча бажарилган ишларни қабул қилганлиги ҳолати унинг бундай ишлар ҳақини тўлашга розилигини англатмайди.

Маълумки, пудратчи профессионал ижрочи сифатида маҳсус билим ва тажрибага эга бўлади, шу жиҳатдан бъэзи ҳолатларда пудратчи томонидан лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши мумкин.

Фуқаролик кодекси 671-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган пудратчининг лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликларни аниқлаш ва тузатиш билан боғлиқ оқилона харажатларни қоплашни талаб қилиш хуқуқи лойиҳа-смета ҳужжатлари факат буюртмачи томонидан ишлаб чиқилганда гина вужудга келади. Демак, пудратчи ишни бажараётган вақтида лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликларни аниқлаши мумкин. Мазкур ҳолатда, буюртмачи томонидан зарарни қоплашнинг муҳим шарти унинг ФКнинг 671-моддаси тўртинчи қисми талабларидан келиб чиқиб, “оқилона харажат”дан иборатлигига намоён бўлади.

Назаримизда, судлар “оқилона харажат”нинг қийматини шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларидан келиб чиқиб, техник ва иқтисодий асосланганлиги, зарур ресурсларнинг сарфи, илгари тақдим этилган техник ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг тўғрилигидан келиб чиқишлири лозим. Бундай буюртмачи пудратчига оқилона харажатларнинг қийматини унинг оқилона харажат эмаслигини исботлаган ҳолда, тўлашдан бош тортишга ҳақли.

Иқтисодий судларда ушбу тоифадаги ишларни кўриш амалиётида бажарилган ишларнинг ҳажми бўйича ҳам муаммолар мавжуд. Шунинг учун ФК 646-моддасининг бешинчи қисмида назарда тутилган ишларнинг сифати бўйича низо келиб чиққанида, судларнинг экспертиза тайинлаши лозимлигидан фарқли равища, фуқаролик қонунчилиги бажарилган ишларнинг ҳажми юзасидан келиб чиқсан низолар бўйича суднинг экспертиза тайинлашга мажбур эканлиги назарда тутилмаган.

Шунга кўра, агар ишлар натижаси буюртмачи томонидан қабул қилинган бўлиб, тегишли топшириш-қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилган бўлса, бироқ кейинчалик бажарилган ишларнинг ҳажмидан норози бўлган буюртмачи унга ҳақ тўлашдан бош тортса, агар буюртмачи бажарилган ишларнинг ҳажмига оид тегишли далилларни тақдим этган тақдирда, суд манфаатдор тарафнинг аризасига кўра бажарилган ишларнинг ҳажмини аниқлаш учун экспертиза тайинлашга ҳақлидир. Агар бажарилган ишлар ва уларни қабул қилиш тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаган бўлса, буюртмачи айнан бажарилган ишларнинг ҳажмидан норози бўлганлиги учун унинг ҳақини тўламаганлигини билдириган ҳолларда, суд манфаатдор тарафнинг аризасига кўра бажарилган ишларнинг ҳажмини аниқлаш учун экспертиза тайинлаши шарт.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қурилиш пудрат ишларини бажариши соҳасида келиб чиқадиган низоларнинг олдини олишида бажарилган ишларни қабул қилиш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши исботлаш базасини шакллантиришида муҳим ҳавола бўлиб хизмат қиласи ва келгусида шартнома томонлари ўз хукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имконият яратади.





**Умидада ҲУСАИНОВА,**  
Судьялар олий  
мактаби бош  
мұтахассиси

# ЯПОНИЯ: СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ

*Судьяларга қүйиладиган касбий ва шахсий талаблар, уларга жа-  
воб бера олиш учун давлат томонидан таъминланадиган үқув ва  
малака ошириш тартиби ҳамда шароитлари ҳар бир давлатнинг  
хуқук тизими ва ўзига хос шароитидан келиб чиқиб турлича белги-  
ланади. Лекин судьяликка қүйиладиган шундай универсал талаблар  
борки, улар замон ва макондан қатын назар, ҳамма учун бирдек  
амал қиласы. Дунёдаги энг ривожланған давлатлардан бири Япония  
тажрибаси мисолида ушбу масалаларга тұхталиб үтәмиз.*

Низоларни Конституция ва қонунлар-  
га бўйсуниб, вижданан ҳал эта олиш, суд  
амалиётига оид чуқур билим ва тажриба,  
шунингдек, бир қатор шахсий ва касбий  
кўникмаларга эга бўлишлик – Японияда  
судьяларга қўйиладиган асосий талаблар-  
дан ҳисобланади. Мазкур талабларга тўлиқ  
жавоб бера олиш учун судьяликка номзод-  
лар дастлаб олий маълумотга эга бўлиши,  
сўнгра 2 ёки 3 йил Олий хуқук мактабида  
таҳсил олишлари (2 йил – олий юридик маъ-  
лумотли шахслар, 3 йил – бошқа йўналиш  
битирувчилари учун белгиланган), битирув  
имтиҳонидан кейин эса Миллий имтиҳондан  
муваффақиятли ўтиб, бир йиллик маҳсус  
курсни тамомлашлари ва якуний имтиҳон-  
дан ўтишлари лозим бўлади. Судьяликка  
номзодлар билан бир қаторда, прокурор ва  
адвокатликка ҳам худди шундай талаблар  
қўйилади. Япония юридик кадрлар тайёр-  
лаш тизимининг ўзига хослиги ҳам судья,  
прокурор ва адвокатлар ўқитиш тизимининг  
бир хиллигига намоён бўлади.

Олий хуқук мактаби тизими Японияда  
2004 йилда ташкил этилган. Олий хуқук  
мактабининг ўзига хослиги шундаки, унга  
нафақат юридик соҳада олий маълумотга  
эга шахслар, балки иқтисодиёт, матема-  
тика, тиббиёт каби соҳаларда олий маълу-  
мотга эга бўлган шахслар ҳам таълим олиш  
учун қабул қилинадилар. Бундан кўзланган  
мақсад турли соҳаларда кенг тажрибага

эга бўлган хуқуқшунос кадрларни тайёр-  
лашдир. Шу максадда, мактабга қабул қи-  
линувчиларнинг 30 фоизидан кам бўлма-  
ган қисми айнан хуқуқшуносликдан бошқа  
йўналишда таҳсил олган номзодлар ичидан  
танлаб олиниши кўзда тутилади. Мактабда  
таҳсил олиш истагида бўлганлар унга кириш  
имтиҳонидан муваффақиятли ўтишлари ва  
унга кўра Мактаб томонидан ўқишига қабул  
қилинешлари лозим.

Олий хуқук мактабига кириш имтиҳон-  
лари олий юридик маълумотга эга ном-  
зодлар учун ва бошқа соҳа вакиллари учун  
алоҳида-алоҳида тартибда ташкил этилади.  
Имтиҳон давомида номзодларнинг нафақат  
хуқуқий билимлари, балки мамлакатда ва  
бутун дунёда юз бераётган янгиликлардан  
хабардорлиги, уларга мустақил муносабати,  
муайян вазият бўйича кенг фикрлаб, қарор  
қила олиш қобилияти кабилар ҳам баҳола-  
нади. Шунингдек, номзодларнинг илмий  
мақолалар ёзиши, ўз фикрини илмий ёзма  
шаклда ифодалай олишига ҳам алоҳида аҳа-  
мият берилади.

Хозирда Японияда жами 37 та шундай  
Олий хуқук мактаблари фаолият юритмоқда  
(15 та давлатга тегишли, 2 та маҳаллий ҳо-  
кимиятга, 20 та хусусий). Уларнинг ҳар бири  
таълим жараёнини ташкил этиш бўйича  
ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, баъз-  
и мактабларда дарслар сони кўпроқ, тўлов  
миқдори ҳам шунга мувофиқ юқори, баъзи-

ларида эса камроқ бўлиши мумкин. Шунга кўра, номзодлар ҳар битта мактабни олдиндан ўрганиб, ўз талаблари ва шароитларига мос келадиганини танлайдилар.

**Масалан, Нагоя университети Олий хукуқ мактабини оладиган бўлсак, у ўз фаолиятини қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:**

→ дарсларни кам сонли тингловчилар иштирокида, ўзаро мулоқот шаклида ва босқичма-босқич ташкил этиш;

→ турли соҳа вакиллари ҳам қийинчиликсиз таълим олишлари учун етарли шароит яратиш;

→ таълим тизимини илмий профессорлар (университет профессорлари) ҳамда амалиётчи профессорларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ташкил этиши орқали назария ва амалиётни биргаликда ўргатишига эришиш;

→ хукуқшуносликка яқин соҳалар (иқтисодиёт, сиёсат, психология, фалсафа кабилар) бўйича ҳам таълимни ташкил этиши;

→ фуқаролик жамиятининг алоҳида талабларига мос равишда муайян соҳаларга мўлжалланган ўқув курсларини ташкил этиши .

**Шунга мос равишда ўқув курслари ҳам 4 та йўналишда ташкил этилади:**

**1** Асосий юридик фанлар: хукуқшуносларга зарур профессионал билим ва кўниkmаларни беришга, хукуқий билиmlарни эгаллаш усулларини ўргатишига, қарор қабул қилишини ўргатишига қаратилган фанлар.

**2** Муайян аниқ вазият бўйича хукуқий таҳлил, ўз фикрини фактлар билан асослаши, баҳслашиш каби кўниkmаларни шакллантиришига ҳамда профессионал масъулият ва этика қоидаларини ўргатишига қаратилган фанлар.

**3** Хукуқшуносликка яқин соҳалар бўйича фанлар.

**4** Муайян аниқ соҳаларга мўлжалланган ўқув курслари.

Мазкур дарслар маъруза, семинар, амалиёт шаклида олиб борилади. З ийллик курс тингловчилари дастлабки ўқув йилида хукуқшуносликка кириш қисми (бошлангич даражадан) бошлаб ўқитилади. 2 ийллик курс тингловчилариага эса моддий хукуқ соҳалари (фуқаролик ва жиноят хукуки)дан бошлаб, иккинчи йилдан процесссуал хукуқ нормалари ўқитилади.

Мазкур мактаб битирувчиларидан ҳар қандай қонун нормасининг моҳиятини тушуниб, шарҳлай олиш, муайян вазиятда уни кўллай билиш қобилиятлари талаб этилади.

Мактабни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар судья, прокурор ёки адвокат бўлишлари учун Миллий имтиҳондан ўтишлари шарт. Шу ерда таъкидлаб ўтиш жоизки, Миллий имтиҳон топшириш хукуқига фақатгина Олий хукуқ мактаби битирувчилариагина эмас, дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўтган номзодлар ҳам эга. Яъни қоида тариқасида, Олий хукуқ мактабида таҳсил олмасдан туриб ҳам Миллий имтиҳондан муваффақиятли ўтган олий маълумотга эга номзодлар судья, прокурор ёки адвокат бўла олишлари мумкин. Лекин, Миллий имтиҳон шартлари унга маҳсус мактабларда тайёрланмасдан туриб ундан ўта олиш имконсизлигини кўрсатади. Демак, Олий хукуқ мактаби битирувчилари битирув



сертификатини олгандан сүнг, дастлабки имтихондан ўтган номзодлар эса имтихондан ўтганлик ҳақида сертификат олган кундан бошлаб 5 йил ичиде Миллий имтихон топшириш хукуқига эга бўладилар.

**Миллий имтихон ҳар йили май ойида 4 кун давомида (3 кун ёзма, 1 кун тест шаклида) ўтказилади. Ёзма имтихон 4 та йўналишда ўтказилади:**

- 1** оммавий хукук соҳалари (конституциявий ва маъмурий хукук);
- 2** фуқаролик хукуки соҳалари (фуқаролик хукуки, бизнес хукуки ва фуқаролик процессуал хукуки);
- 3** жиноят хукуки соҳалари (жиноят хукуки ва жиноят процессуал хукуки);
- 4** танлов бўйича битта йўналиш (банкротлик хукуки, солик хукуки, иқтисадий хукук, интеллектуал мулк хукуки, меҳнат хукуки, экология хукуки, халқаро оммавий хукук, халқаро хусусий хукук).

Тест босқичи эса конституциявий хукук, фуқаролик хукуки, жиноят хукуки йўналишлари бўйича ўтказилади.

Номзодлар Миллий имтихон баллари билан июнь ойида таништирилади. Якуний натижалар эса август - сентябрь ойларида маълум қилинади. Муваффакиятли ўтган номзодлар сентябрь - ноябрь ойларида маҳсус курс учун ташкилий ишларни амалга оширадилар. Декабрь ойидан эса бир йиллик маҳсус курс бошланади.

Бир йиллик маҳсус курс Япония Олий суди хузуридаги Хукукий тадқиқотлар ва малака ошириш институти (кейинги ўринларда - Институт) томонидан ташкил этилади. Мазкур Институт 1947 йилда ташкил этилган бўлиб, судьялар ва суд ходимларини ўқитиш, уларнинг малака оширишларини таъминлаш ва тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи давлат муассасаси ҳисобланади.

Институт фаолият йўналиши иккига бўлинади: биринчи бўлинма — судьяларнинг малакасини ошириш ишлари билан шуғулланади. Одил судловни Конституция, қонунларга бўйсуниб вижданан амалга оширувчи судьялардан нафақат суд амалиётига оид билим ва қўнималарнинг мавжудлиги, балки кенг қамровли таълим ва синчковлик ҳам талаб этилади. Судьялар фаолиятларини амалга ошириш мобайнида ўз устларида мунтазам ишлаб борадилар. Шу мақсадда



Институт томонидан улар учун қўшимча тадқиқотлар ва курслар ташкил этилади.

Институтнинг иккинчи бўлинмаси эса, бўлажак судья, прокурор ва адвокатлар таълими билан шуғулланади. Юқорида таъкидланган Миллий имтихондан саралаб олинган номзодлар декабрь ойида мазкур курсни бошлайдилар. Маҳсус курс тингловчилиари январь ойидан август ойигача фуқаролик суди, жиноят суди, прокуратура ва адвокатурада икки ойдан малака оширадилар. Сентябрь - октябрь ойларида Институтда барча номзодлар учун биргаликдаги ўқув машқлари олиб борилади. Ноябрь - декабрь ойларида эса муайян йўналишлар бўйича чукурлаштирилган тренинглар ўтказилади.

Мазкур курс амалиётчилар (судья, прокурор ва адвокатлар) ёрдамида Олий хукуқ мактабида эгалланган назарий ва амалий билимларни амалиётга тўлиқ қўллай олиш қўнималарини, профессионал касбий маҳоратни шакллантиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Ушбу курс сўнгидаги якуний имтихондан муваффакиятли ўтган номзодларгина унинг натижалари бўйича судья, прокурор ёки адвокатликка танлаб олинадилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар бир давлат ўз хукук тизимидан келиб чиқсан ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини ишлаб чиқади. Япониянинг юридик кадрлар тайёрлаш тизими бизнисидан тубдан фарқ қиласа-да, унинг амалиётидан ўрганадиган жиҳатлар кўплаб кўзга ташланади. Хусусан, ўқув ва малака ошириш машгулотларини ташкил этиши жараёни фақатгина хукукий билимлар бериши билан чекланмасдан, мантиқий фикрлаш, фактларни тўғри баҳолай олиш, муайян вазият бўйича асосли ва тўғри қарор қабул қилиши, таққослаш қўнималарини ҳам шакллантиришга қаратилганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.



Санжар ДЎСМАНОВ,  
Судьялар олий  
кенгаси аъзоси

*Энди судьяларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тавсия этиши мутлақо бошқача тизим бўйича амалга оширилади, бу фаолиятга бирон-бир мансабдор шахснинг аралашувига, таниши-билишичиликка, ургуғ-аймоқчиликка йўл қўйилмайди.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## СУДЬЯЛИК ЛАВОЗИМИГА НОМЗОДЛАРНИ ТАНЛАШ: ЯНГИ ТАРТИБ, ЯНГИ ТАЛАБЛАР

*Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган ушбу муҳум вазифа ижросини таъминлаш учун судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайинлаш бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, мутлақо янги тартибда амалга оширилмоқда.*

*Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаси 2019 йил январь ойидан бошлаб илк марта судьялик лавозимига тайинланадиган ҳар томонлама муносиб номзодларни саралаш мақсадида уч босқичдан иборат танлов имтиҳони ўтказиши амалиётини йўлга қўйди.*

Имтиҳоннинг биринчи босқичи мамлакатимиз суд-хукуқ тизимида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, мустақил суд ҳокимиятининг хукуқий асослари ва бошқа мавзулар юзасидан 25 та саволдан иборат тест синовидир. Судьялик лавозимига номзод сифатида имтиҳон топшираётган талабгор 50 дақиқа ичida тест саволларини ечиб бериши талаб қилинади. Ушбу тест саволларидан етарлича балл тўплай олмаган номзод иккинчи босқич имтиҳонига киритилмайди.

Биринчи босқичда судьялик лавозимига талабгорнинг соҳадаги ўзгаришлардан боҳабарлиги, суд ҳокимиятининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги тушунчаси, суд тизими билан боғлиқ хукуқий билими синовдан ўтказилади.

Иккинчи босқичда эса казус, яъни суд амалиёти билан боғлиқ муайян бир масалани ечиб бериш талаб этилади. Бу босқичда бўлғуси судьянинг иш процессига ёндашуви, мавжуд ҳолатни баҳолай билиши, мустақил, тўғри қарор қабул қила олиши, энг муҳими, қонунн тўғри қўллаш малакасига эга ёки эга эмаслиги баҳоланади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, биринчи босқичдаги тест синовидан муваффақиятли ўтиб, иккинчи босқичда қониқарли жавоб беролмаган номзод Кенгаш муҳокамасига киритилмайди. Ҳар иккала босқичда белгиланган баллни қўлга киритган номзодларнинг ҳужжатлари Судьялар дахлсизлигини таъминлаш бўйича суд инспекцияси томонидан ўрганиб чиқилгандан сўнг Кенгаш муҳокамасига киритилади.

Судьялик лавозимига Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида ўқиш курсини тамомлаб, стажировкани муваффақиятли ўтаб, тегиш-



ли сертификатга эга бўлган захирадаги номзодлар учун 2019 йил 29 январь куни Судьялар олий кенгашининг веб сайті ([sudylarolikengashi@mail.ru](mailto:sudylarolikengashi@mail.ru)) орқали танлов эълон қилинди.

Белгиланган тартиб бўйича, танлов эълон қилинган кундан эътиборан, 10 кун муддат ичидаги Қорақалпогистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Жizzах ва Қашқадарё вилоятларидан фуқаролик суди ихтисослиги бўйича 23 нафар, иктиносидий суд ихтисослигидан 11 нафар, жами 34 нафар номзодлардан танловда иштирок этиш учун ариза келиб тушган.

**Дастлабки саралаш танлов имтиҳони 2019 йил 9 февралда бўлиб ўтди. Ушбу танловда қатнашиш истагини билдириб, ариза билан мурожаат этган 34 нафар талабгордан 27 нафари имтиҳонда иштирок ўтди.**

**Шундан, 7 нафари биринчи босқич тест синовидан етарлича балл тўплай олмай, иккинчи босқичга қўйилмади.**

**5 нафар номзод эса, иккинчи босқич казус масалани талаб даражасида еча олмай, имтиҳондан ўтмади.**

**15 нафари эса ҳар иккала босқичдан муваффақиятли ўтди.**

#### **Музaffer Boltaev, судьяликка номзод:**

— судьялик лавозимига номзодларни танлаб олиш учун жорий қилинган янги тартиб, яъни З босқичли танлов имтиҳони очиқ-ошкора, ҳар томонлама шаффоф ўтказилмоқда.

Биринчидан, имтиҳон ўтказилишидан ўн кун олдин Судьялар олий кенгашининг сайтида танлов ўтказилиши билан боявлик эълон берилалаяти. Кимнинг ушбу танловда ишти-

Суднинг номи	Бўш лавозим
Навоий вилояти	
Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Зарбағон туманинада суднинг судеяси	1 нафар
Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти Учайдук тўман суднинг раиси	1 нафар
Навоий вилояти Навоий шаҳре маъмурий суди раиси	1 нафар
Навоий вилояти Конимех тўман маъмурий суди раиси	1 нафар
Навоий вилояти Қўйилга туман маъмурий суди раиси	1 нафар
Навоий вилояти Карманга тўманларро иктиносидий суди судеяси	1 нафар
Навоий вилояти Учайдук тўман иктиносидий суди раиси	1 нафар

рок этиш ҳоҳиши бўлса, ариза билан мурожаат этади. Бунга ҳеч қандай тўсқинлик йўқ.

Иккинчидан, имтиҳоннинг ҳар бир босқич жараёни ҳам очиқ-ошкора ўтказилалаяти. Биринчи босқич тест саволлари менда жуда яхши таассурот қолдириди. Сабаби, бу саволларнинг жавобини билмаган номзод судьялик лавозимида ишлашга нолойик ҳисобланади. Тест саволларининг ҳаммаси суд тизими билан боявлик ҳолда тузилган. Уни компьютер орқали ечасиз ва топширасиз. Бу жараёнда салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳеч қандай омил йўқ.

Иккинчи босқичда назарда тутилган казус масала ҳам муҳим аҳамият касб этади. Казус масалани тўғри ечиш учун судья бўлиб ишлайдиган инсонга талаб қилинадиган мантиқий мушоҳада керак. Ҳолатга ёки реал вазиятга тўёри баҳо бериш, асосли қарор чиқариш учун бундай казус масалаларни кўпроқ ечиб бориш лозим, деб ҳисоблайман.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кун талаби асосида судьялик лавозимига ҳар томонлама муносаб номзодларни имтиҳон асосида саралаб олиш судьялар корпусининг сифат жиҳатдан яхшиланишига амалий таъсир кўрсатади.





**Ботирали ОМОНОВ, Судьялар олий кенгаши Архив бўлими мудири:**

– Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг асосий вазифаларидан бири судьялик лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаш, энг малакали ва масъулиятли мутахассислар орасидан судьяларни тайинлаша бўлиб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, Судьялар олий кенгаши Регламентининг тегишили моддасига асосан ушбу имтиҳон ўтказиласяпти.

Саралаш танлов имтиҳонининг ҳар иккала босқичи ҳам холислик ва адолатлилик асосида амалга оширилмоқда. Айни пайтгacha икки марта имтиҳон ўтказилган бўлса, унда 60 дан ортиқ судьялик лавозимига талабгорлар иштирок этишиди. Лекин бирорта ҳам эътироz бўлгани ўйк.

Бундан кўзланган асосий мақсад, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига киритиладиган мутахассисларнинг энг муносабарини танлашdir.

Агар номзодлар суд тизими билан боғлиқ қонунлардан боҳабар бўлмаса, ўзининг фаолиятида ҳал қилувчи аҳамият касб этади-

ган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини етарли даражада билмаса ёки мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотларидан ҳам хабардор бўлмаса, у номзод судьялик лавозимига муносаб бўлмайди.

Минг афсуски, имтиҳон топшираётганлар орасида Кенгаш қўяётган талабларга жавоб бермайдиган номзодлар ҳам бор. Шунинг учун, уларнинг батъи бирлари имтиҳондан ўтма олмаяпти.

Шунга жиддий эътибор қаратиш керакки, номзодларни Кенгаш захирасига олиш ҳам, уни захирага олишни рад этиш ҳам ёки номуносаб топиш ҳам шунчаки амалга оширилмайди. Имтиҳон жараёнида ҳар бир номзоднинг иккита босқич саволларига жавоблари синчилаб ўрганилади.

Судьялик лавозимларига захирага олинган айрим номзодлар билими ва амалий кўнижмасини ошириш юзасидан ўз устиларида лозим даражада ишламаяпти. Шунинг учун, дастлабки ўтказилган иккита имтиҳондан 10 дан ортиқ номзод ўтолмади. Ҳудудлардаги судьялар малака ҳайъатлари уларнинг билимини ва малакасини оширишга қаратилган семинар ва давра сухбатларида савол-жавоблар шунчаки ўтказилмаслиги керак. Бундай семинарларга жойлардаги кўп йиллик иш тажрибасига эга судьялар, фахрийлар, тажрибали, билимли мутахассислар жалб этилиши лозим. Шундагина тавсия этилаётган номзодларнинг билими ва савиаси юксак бўлади. Ана шу жихатларга малака ҳайъатлари доимий равишида эътибор қаратишлари лозим деб биламан.

Ваҳоланки, “Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги Низомда судьяларнинг малака ҳайъатлари биринчи марта судьялик лавозимларига тайинланадиган номзодларнинг тайёргарлигини доимий асосда мониторинг қилиши, уларнинг малакасини оширишга қаратилган семинар ва бошқа





тадбирларни самарали ўтказиб бориши лозимлиги белгиланган.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захираси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан шакллантирилади.

Судьялик лавозимига номзод сифатида захирага киритилиш истагини билдирган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Кенгашга ариза билан мурожаат қиласди.

Судьялар олий кенгашининг Судьялар корпусини шакллантириш шўъбаси томонидан Регламентнинг 15-моддасига асосан келиб тушган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги чуқур ўрганиб чиқилади.

Захирага Ўзбекистон Республикасининг зарур билимга эга бўлган, етарли ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажи камидан беш йил бўлган фуқаролари киритилиши мумкин.

2018 йил давомида судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига киритиш учун жами 734 нафар фуқаронинг аризалари келиб тушган бўлиб, уларнинг 319 нафари жиноят, 167 нафари фуқаролик, 109 нафари иктиносидий, 127 нафари маъмурий ва 12 нафари ҳарбий судларнинг судьяси лавозимига тавсия этилган.

Захирага кириш истагида бўлган 734 нафар фуқаронинг аризалари ўрганиб чиқилиб, шундан Кенгаш хулосасига асосан 445 нафари (60,6 %) судьялик лавозимига номзодлар захирасига киритилган

бўлса, 289 нафари (39,4 %) захирага қабул қилишдан рад этилган.

Захирага киритилиши рад этилган 289 нафар номзоднинг 105 нафари жиноят, 81 нафари фуқаролик, 36 нафари иктиносидий, 61 нафари маъмурий ва 6 нафари ҳарбий судларнинг судьяси лавозимига тавсия этиш учун чиқарилган ҳужжатлар ҳисобланади.

Шундан 285 нафар номзод имтиҳондан ўта олмагани сабабли, 1 нафар шахс юридик ихтисос бўйича камидан беш йиллик иш стажига эга бўлмаганлиги учун, 1 нафари ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содирик этиганилиги, ваколатлари олдинги иши жоий бўйича белгиланган тартибда тугатилганлиги, 1 нафари эса номзодлар захирасида турганлиги учун, шунингдек, 1 нафари олий юридик маълумотга эга бўлмаганлиги учун захирага киритилиши рад қилинган.

Захирага киритилиши рад этилган 289 нафар номзоднинг 85 нафари (29,4 %) суд, 26 нафари (8,9 %) адлия, 14 нафари (4,8 %) прокуратура, 10 нафари (3,4 %) солик, 15 нафари (5,1 %) ички ишлар, 4 нафари (1,3 %) божхона органларининг ходимларини ташкил этиса, қолган 39 нафари (13,4 %) адвокатлар ва 96 нафари (33,2 %) бошқа соҳаларда фаолият юритувчи ҳукуқшунослар ҳиссасига тўғри келади.

Хулоса қилиб айтганда, одил судловга эришишнинг энг муҳим омилларидан бири, судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб, етарлича билим ва тажрибага эга, мустақил қарор қабул қилиш салоҳияти бор бўлган, шунингдек юксак маънавиятли судьялар билан шакллантириш бўлиб ҳисобланади.

Кенгаш фаолиятининг асосий моҳиятини ҳам айнан шу – судьялар корпусини ҳар томонлама муносиб номзодлар билан шакллантириб бориш ташкил қиласди.



Шерзод  
АБДУҚОДИРОВ,

Судьялар олий  
кенгаси  
аъзоси

## ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ

**2018** йил давомида Кенгашга жисмоний ва юридик шахслардан жами **4952** та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан **3227** тасини суд қарорлари, **204** тасини судьяларнинг хатти-ҳаракатлари ва **1521** тасини бошқа масалалар юзасидан келиб тушган аризалар ташкил этади. **359** та шикоят эса такрорий мурожаатлар ҳисобланади.


Мазкур мурожаатлардан **336** таси ишонч телефони орқали келиб тушган бўлса, **794** таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали келиб тушган. Суд қарорлари ва судьяларнинг хатти-ҳаракатлари билан билан боғлиқ мурожаатларнинг **1766** таси фуқаролик, **1053** таси жиноят, **252** таси иқтисодий, **499** таси маъмурӣ, **156** таси Олий ва **5** таси ҳарбий судлар судьяларининг устидан келиб тушган.

Уларни ўрганиш натижаларига кўра, **60** та мурожаат қаноатлантирилган, **53** таси рад қилинган, **2391** таси эса тааллуқлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган, **67** таси кўрмасдан қолдирилган. Шунингдек, **126** та мурожаат маълумот учун қабул қилинган, **1981** таси юзасидан тушунтиришлар берилган, **240** таси Кенгаш ва жойлардаги малака ҳайъатлари томонидан ўрганилган, **34** таси эса ҳозирда ўрганилмоқда.

Суд қарорлари юзасидан келиб тушган шикоятлар тақсимоти:

Суд қарорлари юзасидан келиб тушган шикоятлар тақсимоти:


Категория	Процент
Фуқаролик ишлари бўйича	47%
Жиноят ишлари бўйича	29%
Иқтисодий	7%
Маъмурӣ	13%
Харбий	0%
Олий суд	4%



Суд қарорлари юзасидан келиб тушган **3227** та шикоятдан **1502** таси фуқаролик, **939** таси жиноят, **227** таси иқтисодий, **431** таси маъмурӣ, **3** таси ҳарбий ва **125** таси Олий судлар томонидан чиқарилган қарорларга тўғри келади.

Бундан ташқари, судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган 204 та шикоятдан 127 таси фуқаролик, 38 таси жиноят, 3 таси иқтисодий, 34 таси маъмурӣ ва 2 таси Олий судлар судьяларига тӯғри келади.

### Судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган шикоятлар тақсимоти:



Таҳлилларга кўра, шикоятларнинг аксарият қисми фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳри (424 та), Тошкент (190 та), Самарқанд (137 та), Фарғона (129 та), Сурхондарё (113 та), Қашқадарё (112 тадан) вилоятлари судларига, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳри (215 та), Тошкент (82 та), Самарқанд (74 та), Фарғона (71 та) ҳамда Қашқадарё (67 та) вилоятлари судларига, шунингдек, Тошкент шаҳри (58 та), Тошкент вилояти (30 та) иқтисодий ва Тошкент шаҳри (135 та), Тошкент (49 та) ва Сурхондарё (32 та) вилоятлари маъмурӣ судларига оидdir.

#### Келиб тушган мурожаатлардан

**1450** таси ўрганилиб, қонунда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилган, **2196** таси тааллуқлилиги бўйича юборилган, **47** таси эса қаноатлантирилган, **26** таси рад қилинган, **59** таси кўрилмасдан қолдирилган, **121** таси маълумот учун қабул қилинган. Судьяларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келган **100** та шикоят жойлардаги малака ҳайъатларига кўриб чиқиш учун юборилган бўлса, **135** таси малака ҳайъатлари ва Кенгаш томонидан хизмат текшируви ўтказиш ўйли билан ўрганиб чиқилган, **23** та шикоят кейинги йилга қолдиқ бўлиб ўтган.

Шунингдек, 35 та мурожаат бўйича Судьялар олий кенгashi томонидан хизмат текшируви ўтказилган, 17 тасида келтирилган важлар тасдигини топган. Улар бўйича 10 нафар судьяга "ҳайфсан" эълон қилин-

ган, 3 нафари огоҳлантирилган, 1 нафар судьяга нисбатан интизомий иш қўзғатиш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган, бир судьянинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш мақсадга мувофиқ деб топилган, бир судьяни маъмурӣ жавобгарликка тортишга розилик берилиб, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурӣ судининг 2018 йил 9 апрелдаги қарори билан МЖтКнинг 21-моддасига асосан огоҳлантирилган, 1 та интизомий иш муҳокамаси кейинги йилга қолдиқ бўлиб ўтган.

Бундан ташқари, 2018 йил январь-ноябрь ойларида судлар биноларининг кириш жойларига ўрнатилган "Фикр-мулоҳазалар" учун кутилар очилиб, мавжуд фикр-мулоҳазалар ўрганилганда, ўтган давр мобайнida кутиларга жами 1966 мурожаат келиб тушганлиги аниқланди. Уларнинг 1726 тасини ташаккурнома, 92 тасини таклиф, 148 таси-



ни шикоят-аризалар ва мурожаатлар ташкил этади.


Максус қутиларга келиб тушган 148 та шикоятнинг 83 таси фуқароларнинг судлар томонидан чиқарилган қарорлардан норози эканлиги юзасидан бўлгани боис, тааллуклилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилган.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгashi томонидан 65 та шикоят кўриб чиқилиб, 19 та мурожаат бўйича тушунтириш берилган, 34 та ариза ва шикоятларда келтирилган важларни текшириш ва

уларга ҳуқуқий баҳо бериш мақсадида тааллуклилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилган, 8 таси маълумот учун қабул қилинган, 4 таси кўрмасдан қолдирилган.


Шу билан бирга, фуқаролар томонидан берилган 92 та таклифда суд фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикрмулоҳазалар билдирилган. Улар соҳага оид қонунчиликни ҳамда судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий судига ижро учун юборилган.

### **Келиб тушган мурожаатларнинг тақсимоти:**



Максус қутиларга келиб тушган ариза ва шикоятларда келтирилган важлар ва ҳолатлар ҳудудларга чиқиб ўрганилиб, доимий назоратга олинмоқда. Судьялар томонидан процессуал ҳуқуқ нормалариға қатъий риоя қилиш, одил судловни амалга ошириш бўйича фаолиятлари, уларнинг шахсий масъулиятлари, қасамёдга содиқлиги, одоб-ахлоқ кодексига риоя этишлари доимий равишда ўрганиб келинмоқда.

Шунингдек, таклифларнинг мазмуни ва уларнинг амалга оширилишини тизимли таҳлил қилиб бориш юзасидан Судьялар олий кенгashi хузуридаги Судьялар олий мактабининг Тадқиқот маркази томонидан судларда иш юритиш тартибини соддалаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда. Фуқароларнинг суд тизимиға ишончини ошириш, ягона суд амалиётини таъминлаш ва судларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини бир хилда кўллаш борасида қонунчилик ва ҳуқуқни жорий этиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда.



**Фотима ИСМАИЛОВА,**  
Судьялар олий мактаби  
етакчи мутахассиси

## СУДЬЯЛАР МАХСУС КИЙИМИ ҚАЧОН ЖОРӢЙ ЭТИЛАДИ?



**Муҳтарам мухлис, журналиминг 2018 йил 2-сонида “Судьялар суд жараёнида маҳсус кийим (мантия) да бўлиши керакми?” сарлавҳали мақола берилган эди. Сарлавҳадан сезилиб турилганидек, унда мутахассисининг судьялар иш кўриш жараёнида маҳсус кийим (мантия) да бўлиши лозимлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари акс этган эди. Биз мавзунинг муҳимлигидан келиб чиқиб, орадан салкам бир йил ўтиб, ушбу масалага яна бир бор қайтишини лозим деб топдик.**

**Қўйида эътиборингизга тақдим этилаётган мақолада мавзу билан боғлиқ ҳалқаро тажриба ҳам таҳлил қилинади.**

1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисидаги” Қонуни ва ушбу Қонуннинг 2000 йил 14 декабрдаги янги таҳририда судьялар суд мажлислари ни маҳсус кийимда олиб боришлари, бу кийимнинг тавсифи ва намунаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланishi белгиланган. Бироқ шу кунга қадар судьялар маҳсус кийими (мантия) тавсифи ва намунаси тасдиқланмаган.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, АҚШ ва Европанинг барча давлатларида, шу жумладан, МДҲга аъзо Россия Федерацияси, Қозогистон, Қирғизистон, Украина ва Грузия Республикасида судьялар суд мажлисини маҳсус кийимда олиб бориши амалга киритилган. Судьянинг маҳсус кийими (мантияси) – бу суд ҳокимиятининг мустақиллиги рамзи сифатида суд процесси иштирокчиларига судьянинг алоҳида юксак мақомини кўрсатади. Шу билан бирга, ушбу маҳсус кийим судьянинг янада масъулиятли бўлишига, ишларни қонуний, асосли, адолатли, холис ва бегараз ҳал қилишига, суд мажлиси иштирокчиларининг судга ҳурмат билан мурожаат қилишларини таъминлашга хизмат қиласи.





Мантия сўзи грекчадан - “жун пальто” ёки “түн” маъносини билдиради. Тарихий хужжатларда Европанинг қайси давлат судьяси биринчи бўлиб маҳсус кийим (мантия) кийгани аниқ бўлмаса-да, бу анъана 1635 йилги Англия судьялари қоидаларида ўз аксини топган. Ҳозирги кунда кўпгина ривожланган давлатларда судьялар маҳсус кийими ўз анъаналари ҳисобга олинган ҳолда тасдиқланиб, амалга киритилган.

Судьялар кийими қора рангда бу — бетараФлик, холислик ва беғаразлик маъносида танланган бўлиб, суд ҳокимиятининг нуфузи ва мақомини англатади.

Аксарият давлатларда судьялар қора рангли узун кийимда суд мажлисларини олиб боришади. Мусулмон давлатларида эса судьяларнинг қора рангли кийимида

яшил ранг бирор белги сифатида кўрсатилган.

АҚШда тасдиқланган судьялар маҳсус либосини эркак ва аёллар учун алоҳида услуби ишлаб чиқилган бўлиб, эркаклар галстук тақилган оқ кўйлак устидан қора рангдаги судьялар кийимини кийсалар, аёллар учун ушбу қора рангли кийим оқ ёқаси билан бўлади.

Қозогистон Республикасида судьялар кийими миллий анъаналар ҳисобга олинган ҳолда тўқ кўк рангда бўлиб, ёқаси давлат байробининг мовий рангидаги, ёқа четларида сарик (тилла) ранг нақшли чизиқлар тасвириланган. Шунингдек, кийим ёқасида байроқнинг орнаменти туширилган. Либос олдидаги 4 та сарик (тилла) ранг тугмаларга давлат герби туширилган. Судьялар кийими Қозогистон Республикаси Олий судининг 2014 йил 22 августдаги мажлисида тасдиқланган.

Россия Федерациясида судьялар кийими 1999 йилда Олий суд қарори билан тасдиқланган бўлиб, унда қора рангдаги кийим тасвириланган, аёллар учун оқ ёқа ҳам кўрсатилган.

Англия давлатида XV асрдан судьяларнинг қора рангли кийими мавжуд бўлиб, бошига оқ рангли парик ҳам кийишиади.

Айрим Европа, Африка ва Осиё давлатларида юқори суд судьяларининг қуи суд судьяларидан ажralиб туриши учун судьялар кийими ранги ёки фасонлари билан бир-бираидан фарқ қиласи. Масалан, айрим Европа давлатларида Олий суд судьялари кийими қизил рангда оқ ёқаси билан бўлса, қуи суд судьялари кийими қора рангда танланган. Шунингдек, Африка ва Осиё давлатларида судьялар кийими тўқ кўк ёки қора рангда

**Жазолашдан қўра  
кечирмаклик мардлик-  
дир. Ожиз одам  
кечиролмайди. Авф  
этиси кучлилар  
фазилатидир.  
Махатма ГАНДИ**

бўлиб, тик турадиган ёқаси ёки кийимнинг устига қопланадиган ёқаси яшил, қизил ёки кўк рангда танланиб, Олий суд судьялари кийими қўшимча тилла ранг нақшлар билан қопланган.

“Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг 84-моддасида судьялар суд мажлисини маҳсус кийимда олиб бориши хақидаги қонун талабининг амалга оширилиши давлатимизда суднинг нуфузини оширишга, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга ҳамда судьялар ўз ишига янада масъулият ва ишонч билан ёндашишлага хизмат қиласди, албатта.

Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси судьяларининг маҳсус кийими тавсифини миллий анъаналаримизни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга дир.

Бизнинг назаримизда, Ўзбекистон судьялари учун ушбу кийимнинг қора ёки тўқ кўк рангини белгилаш, кийимнинг тик турадиган ёқасида давлат байроби рангларини ишлатиш, аёл судьялар учун эса оқ ёпиштирма ёқа қўйиш, узунлиги тиззадан 30 сантиметргача тушиб туриши мақсадга мувофиқдир. Ривожланган чел эл давлатларининг тажрибасидан кўринишича, судья кийимининг жуда узун бўлиши ҳаракатланган вақтида нокулайликлар келтириб чиқаради.

Бундан ташқари, судья кийимини йил мавсумларини ҳисобга олиб, икки хил (қиши ва ёзги) фасонини, шунингдек, эркаклар ва аёллар учун алоҳида фасонларда ишлаб чиқиш керак.

Ҳозирги кунда бизнинг суд амалиётида судьяларимиз ўз иш жойларида кийиниш

маданиятига эътибор бериб, суд мажлислирида эркак судьялар костюм-шимда, аёл судьяларимиз костюм-юбка ёки аёллар кўйлагида олиб боришида ҳамда кийимнинг оддийлиги ва ортиқча ҳашам ёки бачканаликдан холи бўлишига эътибор беришади. Бироқ, айрим ёш судьяларимиз ўз ҳоҳишига кўра, ҳар хил рангда, дабдабали ёки бетартиб, аёллар эса тақинчоқларни кўпайтириб, калта кийимда суд мажлисларини олиб бориш ҳолатлари ҳам учраб туради. Судьяларнинг мажлисларни олиб боришида бундай ноўрин кийимларда бўлишлари фуқароларимизда уларга нисбатан салбий фикр шаклланишига ва ўз навбатида, одил судловга ишончсизлик пайдо бўлишига олиб келади.

Президентимиз Ш.Мирзиёёнинг ташаббуслари билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижросини таъминлаш мақсадида 2019 йил 17 январдаги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурида 2019 йилнинг 15 марта гача судьянинг маҳсус кийими тавсифи ва намуналарини ишлаб чиқиш киритилган.

Ишонамизки, судьялар маҳсус кийимининг амалиётга жорий этилиши суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини ошириш, суд тизимини демократлаштириш ва тақомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг амалий натижаларидан бири сифатида муҳим ўрин эгаллади.





## “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти ва уни қўллаш

Суҳроб ЮЛДОШЕВ,  
Тошкент шаҳар  
Миробод тумани  
маъмурий судининг  
раиси

*Маъмурий тартиб-таомиллар ва улар ҳуқуқий амалиёти-  
нинг жорий этилиши жисмоний ҳамда юридик шахслар томони-  
дан ўзларининг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бе-  
восита таъсирга эга. Маъмурий тартиб-таомиллар турлари  
кўплиги ва уларнинг кенг тарқалганлигини ҳисобга олган ҳолда,  
давлат органлари билан бўлган турлича муносабатларда кўр-  
сатиб ўтилган барча субъектлар иштирок этади.*

Маъмурий тартиб-тамойиллар жисмоний ва юридик шахслар билан ўзаро муносабатга киришаётганда амалга ошириладиган давлат функцияларининг тартиби, умумий тамойиллари ва қоидаларини тартибга солади. Шу билан бирга, давлат органларининг маъмурий тартиб-тамойилларга жисмоний ва юридик шахслар муносабатларига қаратилган ваколатларини амалга ошириш билан боғлиқ давлат хизматларини кўрсатиш ваколатлари ҳам киради.

### Ушбу Қонуннинг қўлланиш соҳалари:

- ➡ манфаатдор шахсларни рўйхатга (ҳисобга) олиш;
- ➡ мол-мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ битимларни рўйхатга олиш;
- ➡ алоҳида фаолият турларини лицензиялаш;
- ➡ алоҳида иш (хизмат) турларини бажаришга рухсат бериш;
- ➡ манфаатдор шахсларга давлат фонди биноларидағи турар жой ва яаш учун мўлжалланмаган жойларни бериш ва улардан фойдаланиш;
- ➡ давлат пенсиялари, нафакаларини тайинлаш ва тўлаш;
- ➡ юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни бериш;
- ➡ товарлар, ишлар, хизматларни сертификатлаш;
- ➡ маъмурий органларнинг ваколатига кирувчи бошқа соҳалар.

### Ушбу қонун татбиқ этилмайдиган соҳалар:

- ➡ норматив-ҳуқуқий хужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш;
- ➡ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш;
- ➡ давлат хизматини ўташ;
- ➡ референдумлар, сайловлар ўтказиш;
- ➡ мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳукуқ-тартибот соҳаси:
- ➡ тезкор-қидирув фаолияти, суриширув, дастлабки тергов, жиноий мажбурлов чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлган бошқа фаолиятлар;
- ➡ суд ишини юритиши;
- ➡ маъмурий ҳукукбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши соҳасида юзага келадиган муносабатлар.

Маъмурий органлар - маъмурий ҳуқуқий фаолият соҳасида маъмурий бошқарув ваколати берилган, шу жумладан, давлат бошқарув органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, ушбу фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа ташкилотлар ва маҳсус тузилган комиссиялар ҳисобланади.

Маъмурий ҳужжат — маъмурий органнинг оммавий ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиришга, ўзгартиришга ёки тугатишга қаратилган ҳамда айрим жисмоний ёки юридик шахслар учун ёхуд муайян хусусий белгиларига кўра ажратиладиган шахслар гурухи

учун маълум ҳукуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи таъсир чораси ҳисобланади.

Бунда қонун ҳужжатларида маъмурй ҳужжат бошқа шаклда, шу жумладан, бошқа тегишли ҳужжатни бериш ёки муайян ҳаракатни амалга ошириш йўли билан қабул қилиниши мумкинлиги ҳоллари назарда тутилишига ҳам эътибор қаратилиши талаб этилади. Шунингдек, судьялар низоларни кўриб чиқишида бошқа қонун ҳужжатлари билан биргаликда, маъмурй органлар томонидан Қонуннинг 5-моддаси талабида белгиланган ўн учта принциплардан ҳар бири бузилганилигини ҳам текшириб чиқади.

Қонуннинг 19-моддаси талабига кўра, маъмурй ҳужжатлар ва маъмурй ҳаракатлар маъмурй тартиб-таомилларнинг принципларига мувофиқ бўлиши керак.

Судьялар томонидан маъмурй органга келиб тушган ариза ўша куннинг ўзида рўйхатдан ўтказилганилиги (43-модда), маъмурй иш юритиш қоидаларига риоя қилинганилиги (36-модда), мансабдор шахс маъмурй орган номидан иш юритишга иштирок этишга монелик қиладиган ҳолатларнинг мавжуд эмаслиги (31-32-моддалар), маъмурй ҳужжатнинг мазмуни (53-модда), унинг асослантирилганилиги (54-модда) каби қоидаларга риоя этилганилигини текшириши талаб этилади.

Қонуннинг 18-моддасига кўра, маъмурй орган маъмурй ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган барча ҳукуқий ҳолатларни ҳар томонлама тўлик ва холисона текшириши шарт. Зарурат бўлганда, маъмурй орган манфаатдор шахслар томонидан тақдим этилган далиллар билан чекланмасдан, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз ташаббуслари билан кўшимча далиллар йиғишига ҳақли.

Суд томонидан маъмурй ҳужжатни кўриб чиқиш бўйича процессуал ҳаракатлар Узбекистон Республикасининг Маъмурий

суд ишларини юритиш тўғрисидаги Кодексига асосан амалга оширилади.

Суд маъмурй орган томонидан чиқарилган маъмурй ҳужжат устидан аризани (шикоятни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза (шикоят) судга келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай якка тартибда ҳал қиласи.

Агар ушбу Кодексда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суд муҳокамаси ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқарилган кундан эътиборан бир ойдан ошмаган муддатда тугатилиши лозим. Алоҳида ҳолларда, суд муҳокамасининг муддати суд раиси томонидан бир ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Қонуннинг 63-моддасида манфаатдор шахс маъмурй шикоятни қонун ҳужжатларига мувофиқ уни кўриб чиқишига ваколатли маъмурй орган устидан шикоят қилинаётган ҳужжатни, процессуал ҳужжатни қабул қилган ёхуд маъмурй ҳаракатни амалга оширган орган орқали берилиши мумкинлиги белгиланган. Бунга кўра, агарда манфаатдор шахс маъмурй ҳужжатдан норози бўлса, унинг устидан юқори турувчи органга ёхуд судга шикоят қилишга ҳақли.

Маъмурй ҳужжат устидан берилган шикоят юқори турувчи орган томонидан кўриб чиқилиб, у ўзгаришсиз қолдирилган бўлса, суд низони кўриб чиқишида маъмурй ҳужжатга ҳукуқий баҳо берishi керак бўлади.

Шунингдек, юқори турувчи орган маъмурй ҳужжат устидан берилган шикоятни кўриб чиқиш бўйича процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйса, суд юқори турувчи органнинг ҳатти-ҳаракатларига ҳукуқий баҳо беради.





**Бахтиёр РАЖАБОВ,**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Жиноят ва жиноят-ижроиия хуқуқи кафедраси бошлиги, юридик фанлар номзоди, доцент

## ДАЛИЛЛАРНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Аннотация:** Мақолада жиноят процессида далилларни баҳолаш тушунчаси ва далилларни баҳолаш мезонлари бўйича етакчи олимларнинг фикри, шунингдек, айрим хорижий давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигида далилларни баҳолашни тартибга солишнинг қиёсий хуқуқий ўрганиши натижаларининг илмий-назарий таҳлиллари келтирилган. Таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига кўра, миллий қонунчиликда ижобий тажрибани жорий этиши, далилларни баҳолаш мезонлари бўйича процессуал қоидаларни такомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар киритилди.

**Калит сўзлар:** жиноят процессида далиллар, далилларни баҳолаш, исбот қилиш, суршиширувчи, терговчи, прокурор, суд, судья, алоқадорлик, мақбуллик, ишончлилик, етарлилик.

**Аннотация:** В статье изложено научно-теоретический анализ понятия оценки доказательств в уголовном процессе и мнение ведущих ученых о критериях оценки доказательств, а также результаты сравнительно-правового изучения регламентации вопросов оценки доказательств в уголовно-процессуальном законодательстве некоторых зарубежных стран. На основе результатов анализа и исследования выдвинуты рекомендации и предложения по внедрению положительного опыта в национальном законодательстве, совершенствованию процессуальных норм о критериях оценки доказательств.

**Ключевые слова.** доказательства в уголовном процессе, оценка доказательств, доказывание, дознаватель, следователь, прокурор, суд, судья, относимость, допустимость, достоверность, достаточность.

**Abstract:** The article deals with the scientific-theoretical analysis of the concept of evidence evaluation in criminal proceedings and opinion of the leading scientists on the criteria for evaluating evidence, as well as the results of a comparative-legal study of the regulation of evidence evaluation issues in the criminal procedural law of some foreign countries. Based on the results of the analysis and research, recommendations and proposals were put forward for the introduction of positive experience into national legislation and improvement of procedural rules on the criteria for evaluating evidence.

**Keywords:** evidence in criminal procedure, evidence evaluation, proving, interviewer, investigator, prosecutor, court, judge, relevance, desirable, reliable, sufficiency.

Ўзбекистон тараққиётининг янги босқи-чидда фуқароларнинг Конституция ва қо-нунларда белгиланган хуқук ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бунда, аввало жиноят тажовузлардан ҳимоя қилишнинг ишончли кафолатларини таъминлашга, шунингдек, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг хуқук ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли фармони шу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни такомиллаштиришга амалий таъсир кўрсатди.

Мазкур Фармонда бугунги мақоламизга мавзу сифатида белгиланган далилларни баҳолаш, унга ҳар томонлама жиддий муносабатда бўлиш юзасидан бир қатор вазифалар кўйилди.

Жумладан, шундай тартиб ўрнатилдики, далилларни йигиш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган услублар кўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокуратура органлари ёки суд томонидан қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда тиббий экспертиза ўтказиш орқали мажбурий текширилиши шарт.

Бундан ташқари, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш (ўта оғир жиноятлар бўйича), тинтуб, кўрсатувларни ходиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатларни видеөёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда мажбурий видео қайд этиш амалга оширилади. Шунингдек, ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим

этиш хуқуқига эга бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиша жиноят ишини судда кўриб чиқиш вақтида мажбурий текширилиши ва баҳоланиши шарт.

Ҳақиқий маълумотларнинг далил сифатида фойдаланишга номақбуллиги суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан ўз ташаббуси билан ёки тарафлар илтимосномаси бўйича белгиланади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд далилларнинг номақбуллиги ҳақидаги масалани ҳал қилишда далилнинг номақбул деб топилишига асос бўлган қонун бузилиши нимада ўз аксини топғанлигини аниқлашга ва асослантирилган қарор (ажрим) қабул қилишга мажбур.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги 24-сонли “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”-ги қарорини ҳам алоҳида эътироф этишимиз лозим.

Пленум қарорига кўра, мақбул бўлмаган далиллар юридик кучга эга бўлмай, улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда уларни айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Жиноят процессида ҳар бир далил ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Далилни ишга алоқадорлиги нуқтаи назаридан баҳолаш тушунчасининг мазмун-моҳияти жиноят-процессуал қонунчилигига белгиланган. Хусусан, ЖПК 95-моддасининг 2-қисмига мувофик, далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хуросаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олуви ч факталар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади.

Хорижий давлатлар қонунчилигига ҳам таҳлил қилинаётган тушунчанинг мазмуни бўйича деярли бир хил ёндашувлар мустаҳкамланганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Тожикистон ЖПК 88-моддасининг 2-қисмида [11], Қирғизистон ЖПК 95-моддасининг 3-қисмида [7], Қозогистон ЖПК 125-моддасининг 3-қисмида [9] жиноят ишига тааллукли далиллар деганда, ҳақиқий маълумотларни ифода этадиган, улар ёрдамида ишга алоқадор бўлган ҳолатларни аниқлаш, рад этиш ёки ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги тўғрисидаги хуросаларни шубҳа остига қўядиган далиллар тан олинини белгиланган.

Ишга алоқадор далил тушунчасининг мазмунини янада аникроқ тушуниш учун фикримизча, ишга алоқадор бўлмаган далил тушунчасининг таърифига мурожаат қилиш лозим. Шу маънода, Беларусь жиноят-процессуал қонунчилигига бизда қизиқиш уйғотган тушунчага таъриф берилганлигини илгор хорижий тажриба сифатида эътироф этиш жоиз. Жумладан, Беларусь ЖПК 105-моддасининг 2-қисмига кўра, “жиноят ишига тааллукли далиллар бўлиб, улар ёрдамида мазкур ишга алоқадор бўлган ҳолатларни аниқланиши тан олинади. Ишга алоқадор бўлмаган деб, исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатни аниқлаш ёки рад этишга қобилиятли бўлмаган далиллар ҳисобланади” [8].

Қайд этиш жоизки, ушбу илгор хорижий тажриба суд-тергов амалиётида далилни ишга алоқадорлиги нуқтаи назаридан баҳолашда қонун нормаларини тўғри ва бир хилда қўлланилишида мухим аҳамият касб этади. Чунки, унга кўра, жиноят ишига тааллукли мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хуросаларни шубҳа остига оладиган далил – исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатни аниқлаш ёки рад этишга қобилиятли бўлмаган далил, ишга алоқадор бўлмаган далил деб баҳоланади. Буни эса, инсонпарвар демократик хукукий жамият шароитида инсон хукуқлари ва қонуний манфаатларининг ишончли ҳимо-



ясини таъминловчи самарали механизмларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Л. В. Клейман тўғри таъкидлаганидек, “исботлашнинг билиш поғонасида фаолиятнинг асосий мазмуни ҳақиқий маълумотларни исботланиши лозим бўлган ҳолатлар билан алоқасини ўрганиш асосида уларнинг ишга алоқадорлиги тўғрисида эҳтимолли хulosса чиқаришдан иборат бўлади. Ушбу поғонада алоқадорликнинг тавсифи қўйидаги хусусий вазифаларни ечишда аниқланади: предмет ва исботлаш чегараларининг муносабати орқали жиноят изларининг мазмуни билан исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг алоқасини аниқлаш; жиноий жавобгарликка тортилган шахс унга қўйилган айбли қилмишни содир этганини исботлаш орқали жиноятни содир этиш тузилмасини билиш; моддий, жисмоний ёки (ва) маънавий зарарни аниқлаш; қилмиш билан юзага келган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш ва ҳаракат қилиш (ҳаракатсизлик) усули; жиноятнинг субъектив томонини таҳлил қилиш” [5, с. 7].

Ўтказилган таҳлилларни умумлаштириш қўйидаги хulosаларни илгари суришга имкон беради: а) ишга алоқадор далил – фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларни акс эттиради; б) ишга алоқадор далил – жиноят ишига тааллуқли мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хulosаларни тасдиқлайди; в) ишга алоқадор далил – жиноят ишига тааллуқли мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хulosаларни рад этиади; г) исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатни тасдиқлаш ёки рад этишга қодир бўлмаган далил ишга алоқадор бўлмаган далил ҳисобланади.

Ушбу хulosалар, ишга алоқадор далил деганда, жиноят ишига тааллуқли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хulosаларни тасдиқловчи ёхуд рад этувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларни акс эттирган далил тушунилади, деган таърифни шакллантириш имконини беради.

Шунга асосланган ҳолда, ЖПК 95-моддасининг 2-қисмига зарур ўзgartишларни киритиб (“жиноят иши учун аҳамиятли” жумласини “жиноят ишига тааллуқли” жумласи билан алмаштириш, “шубҳа остига олувчи” жумласини чиқариш, “маълумотларни” сўзларига алмаштириш), қўйидаги таҳрирда баён этишни таклиф этамиз: “Далиллар жиноят ишига тааллуқли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хulosаларни тасдиқловчи ёхуд рад этувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги ҳақиқий маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади”.

Фикримизча, ЖПК 95-моддаси 2-қисм мининг таклиф этилаётган таҳрири жиноят ишига тааллуқли мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хulosаларни шубҳа остига оладиган далилни ишга алоқадор бўлмаган далил деб баҳолаш орқали далилларни баҳолашга доир нормаларни янада либераллаштиришга хизмат қиласди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ЖПК 95-моддаси 3-қисмига кўра далиллар белгиланган тартибда тўплангандаги ва ушбу Кодекснинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқ бўлсагина, улар мақбул деб эътироф этилади.

Ушбу талабдан кўриниб турибдики, далилларни мақбул деб эътироф этиш учун қонунда иккита шарт белгиланган: 1) да-



лилларнинг белгиланган тартибда тўпланганиги; 2) далилларнинг ЖПКнинг 88, 90, 92-94-моддаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги.

**Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги "Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 24-сон қарори айнан шу масалада мухим қарорлардан бири бўлди. Чунки, унинг 2-банди билан далиллар мақбуллигининг шартлари бугунги кун талаблари асосида шакллантирилиб, улар сифатида қўйидагилар кўрсатилди:**

1) далил тегишили субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

2) фактга оид маълумотлар фактам ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

3) далил уни олиши билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган холда олинган бўлиши;

4) далилни олишида тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишиша доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шарт [1].

Далиллар мақбуллигига тааллукли юқорида санаб ўтилган шартлардан бирорта-сига амал этилмаслиги далилнинг мақбул эмас деб топилишига асос бўлади. Мақбул бўлмаган далиллар ўз-ўзидан юридик кучга эга бўлмайди ва улардан ЖПК 82-84-моддаларида назарда тутилган ҳолатларни исботлаш учун фойдаланиш ҳамда айблов асосига қўйиш мумкин эмас.

Қайд этиш жоизки, "Далилларнинг ишончлилиги уларнинг мақбуллиги билан чамчарчас боғлиқ" [3, с. 9]. Чунки, далилларнинг ишончлилиги ва мақбуллиги хусусиятлари бир-бири билан узвий алоқадорликда бўлади. Бироқ, ишончлилик ва мақбуллик – далилларнинг мустақил мазмунга эга ва ўзаро бир-бирини сингдирмайдиган хусусиятларидир. Шу ўринда Е.В. Бондарнинг қўйидаги фикрлари қўллаб-қувватланишга лойикдир: "Далилларнинг мақбуллиги қоидалари судлов иши қатнашчиларининг исботловчи ахборотни олишдаги хукуqlарини кафолатлашга хиз-



мат қилиши ва исботлаш предметига кирадиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончлилигини таъминлаши ва бу билан объектив ҳақиқатнинг аниқланишига ёрдам бериши лозим. Далилларнинг мақбуллиги уларнинг ишончлилигини таъминлайди. Шу вақтнинг ўзида далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги қарор унинг ишончли эканлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмайди, далилларнинг мақбуллиги тўғрисидаги хуоса уларнинг ишончли эканлигидан маълум бўлади, бироқ далилларнинг ишончли эканлиги тўғрисидаги хуносанинг ўрнини босмайди" [2, с. 8].

Жиноят ишига алоқадор бирорта ҳолат ишончли бўлишидан олдин эҳтимолли бўлиб туради, яъни эҳтимоллик ишончлиликка қадар бўлган босқич ҳисобланади. Я.В. Жданова тўғри таъкидлаганидек, ишончли билим эҳтимолли билимдан фарқ қилган ҳолда фақатгина асосланган бўлмасдан, балки исботланган ҳам бўлиши керак. Асосланган билим шундай билимки, уни илгари суриш учун назарий ва амалий жиҳатдан тасдиқланган асослар мавжуд бўлади [4, с. 6-10].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ЖПК 95-моддаси 1-қисмида далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш белгилан-

**Бирорни қоралаб сўзлайдиганлар айланувини оқлайдиган далиллар хусусида лом-лим демай, унга қарши узундан-узоқ маълумотлар рўйхатини келтирадилар, аслида бундан ортиқроқ ноҳақлик йўқ.**  
**ЦИЦЕРОН**

маган. Замонавий талаблар ва ислоҳотлар натижалари қонунчиликдаги ушбу ҳуқуқий бўшлиқни бартараф этишини тақозо этмоқда.

Хорижий давлатларнинг тажрибалари ни ўрганиш шундан далолат бермоқдаки, далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш Грузия (ЖПК 82-моддаси 1-қисми) [13], Молдова (ЖПК 101-моддаси 1-қисми) [10] қонунчилигига назарда тутилган ва қатор мутахассислар (Б.А. Миренский [12, с. 139], Я.В. Жданова [4, с. 7-11], А.А. Прокопенко [6, с. 14])нинг тадқиқот ишларида иммий асосланган.

Мутахассислар (Ф.В. Чирков [14, с. 10-11], А.А. Прокопенко [6, с. 11-12]) томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш асосида далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолашнинг куйидаги асосий хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин: а) далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш жараёнида тўплангандан маълумотларнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатлар билан объектив алоқалари мавжудлиги аниқланади; б) далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш жараёнида тўплангандан маълумотларнинг жиноят иши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар ва фактлар билан объектив алоқалари мавжудлиги аниқланади.

Келтирилган фикрларнинг таҳлили асосида далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш деганда, тўплангандан маълумотларнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, шунингдек жиноят иши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар ва фактлар билан объектив алоқалари мавжудлигини аниқлаш тушунилади, деган таърифи илгари суриш мумкин.

Шунга асосланган ҳолда, ЖПК 95-моддаси 1-қисмини куйидаги таҳрирдаги қисм билан тўлдиришни таклиф этамиз: “Далилни аҳамиятлилиги нуқтаи назаридан баҳолаш тўплангандан маълумотларнинг исботланиши лозим бўлган ҳолатлар, шунингдек жиноят иши учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар ва фактлар билан объектив алоқалари мавжудлигини аниқлашдан иборат бўлади”.

Фикримизча, мазкур нормаларнинг ЖПК-нинг 95-моддасида белгиланиши миллий қонунчиликдаги айрим ҳуқуқий бўшлиқларни

бартараф этиши билан бир қаторда, далилларни баҳолаш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига зарар етказилишини олдини олишга хизмат қиласди.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2018 йил 24 августдаги «Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24-сонли қарори // <http://lex.uz/docs/3895986> (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси).
2. Бондар Е.В. Теоретические и прикладные аспекты признания доказательств недопустимыми: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Красноярск, 2008. – 22 с.
3. Гришина Е.П. Достоверность доказательств и способы ее обеспечения в уголовном процессе: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 1996. – 21 с.
4. Жданова Я.В. Проблемы вероятного и достоверного в уголовно-процессуальном доказывании и их влияние на принятие отдельных процессуальных решений следователем: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Ижевск, 2004. – 34 с.
5. Клейман Л.В. Установление относимости доказательств при расследовании преступлений: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Омск, 2001. – 22 с.
6. Прокопенко А.А. Оценка доказательств в ходе рассмотрения уголовного делом судом первой инстанции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Краснодар, 2009. – 27 с.
7. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (По состоянию на 10.11.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
8. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 года (По состоянию на 08.01.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
9. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (По состоянию на 12.07.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 23.03.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
11. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (По состоянию на 17.05.2018) // <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ).
12. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б.А. Миренский, А.Х. Раҳмонкулов, Ж. Камалходжаев, В.В. Қодирова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2004. – Б. 139.
13. УПК Грузии от 9 октября 2009 года (По состоянию на 01.01.2016) // <https://www.legislationonline.org/documents/section/criminal-codes> (Бесплатная онлайновая законодательная база данных).
14. Чирков Ф.В. Оценка доказательств в ходе окончания предварительного следствия: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Краснодар, 2012. – С. 10-11.





Илҳомжон

БЕКМИРЗАЕВ,

Ўзбекистон халқаро

Ислом академияси

Ислом фанлари

кафедраси доценти,

тарих фанлари доктори



## ИСЛОМДА ҚОЗИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Мусулмон ўлкаларида, хусусан, Мовароуннахрда ҳам қозилик тадрижийлик асосида ривожланиб борганилиги-ни кузатиш мумкин. Қозилик ишлари давр талаби, шароит тақозосига кўра тақомиллашиб борган. Муҳаммад (с.а.в.) даврларида ишни фақат қози олиб борган бўлса, кейинчалик, котибият таъсис этилган ва ушбу лавозим бутун мамлакат қозихоналарида кенг тарқалган.**

Умавийлар даврида қозилик маҳкамаларида, шароит тақозосига кўра, бир қанча янги лавозимлар таъсис қилинган. Мунодий ана шундай лавозимлардан бири саналади.

Мунодий қозилик маҳкамаларида мунтазам иштирок этувчи лавозим эгаси ҳисобланиб, унинг асосий вазифасига даъвогарларга қозининг келганини билдириш ва уни танишириш, хусуматчilarни чақириш каби юмушлар кирган.

Даъволар кўпайиб боргани сари одамларни тартиб асосида қозихонага киритиб, тинчликни таъминловчи ҳожиб лавозими юзага келди. Ҳожиблик вазифасини баъзан мунодийлар ҳам бажаришган. Аксар ҳолларда ҳожиблик жилвозларга юклатилган. Жилвоз (миршаб) шаҳар шуртасидан (миршаблиги) қозихонада тартиб-интизомни сақлаш мақсадида тайинланган ёки уни қозининг ўзи мансабга тайин этиши мумкин бўлган.

Мамлакатда араблар билан бир қаторда араб бўлмаган мусулмонлар ва бошқа динга мансуб шахслар ўртасида низолар келиб чиқа бошлагандан сўнг маҳкамаларда таржимонларга эҳтиёж сезилган. Айнан умавийлар давридан бошлаб у ерда ушбу лавозим таъсис этилган.

Умавийлар даврида бошбошдоқлик кучайган, мансабдор шахслар томонидан ноконуний ишлар содир этилганлиги, мусулмонлар ўртасида бўлинишлар юзага келганилиги учун жиноятчилик ва ўз мансабини суистеъмол қилиш ишлари авж олган. Бу

давр, жумладан, мансабдор шахслар ичida ноконуний хатти-ҳаракатларнинг кўплаб кузатилиши билан ҳам характерланади. Жабрланувчиларнинг қозидан адолат истаб келиши, адолатли ҳукм чиқарилган ҳолларда ҳам уларнинг жойлардаги амалиётини таъминлайдиган волийларнинг йўқлиги ёки ҳукмнинг волий томонидан ижро этилмай қолиши мамлакатдаги ижтимоий-хуқуқий ҳаётни издан чиқариб юборади. Бунинг натижаси ўлароқ, мамлакатда мазолим қозилик маҳкамаси ташкил этилган. Бу маҳкама, асосан, мансабдор шахслар ва қозилар устидан қилинган шикоятларни кўрган. Мазкур маҳкамани умавий ҳукмдорлардан Абдулмалик ибн Марвон ташкил қилган. Мовардийнинг хабар беришича, у шу хусусда келган шикоятчиларни эшлиши учун алоҳида кун ажратган. Агар бирор масалада иккиманса ёки тўғрироқ ҳал қилинишини истаса, ишни ўзининг хос қозиси Абу Идрис Аздийга топширган.

Мовардий “Аҳкому-с-султонийя” асари нинг еттинчи боби мазолим қозилик маҳкамалари фаолиятига бағишланган. Ушбу маҳкамা бошқа қозихоналар билан бир хил тартиб-қоида асосида иш юритган. Жумладан, икки маҳкамада ҳам даъвони кўриш бўйича келтириладиган далил ва исботлар бир хил талаб асосида қабул қилинган. Умар бин Абдулазиз даврига келиб, мазолимда далиллар борасидаги қаттиқўлликдан воз кечилган. Шариат қонунлари бўйича етарли далил бўлмаса-да, озгина ишора ёки билво-

сита далилларнинг борлиги ҳукм чиқариш учун асосли деб топилган. Буни бир қатор мансабдор шахслар ва умавийлар сулоласи етакчиларининг танобини тортиб қўйишга қаратилган сиёsat сифатида изоҳлаш мумкин.

Демак, шу йўл билан қозилик тарихида икки инстанциялик юзага келди. Биринчи, қўйи инстанция – қозилик ва иккинчи, юқори инстанция – мазолим бўлади. Чунки ушбу даврга келиб, қозиликда чиқарилган ҳукм устидан мазолим маҳкамасига шикоят қилиш (апелляция) ҳуқуқи амалда бўлган.

Маҳкама қозилари ўз мажлисларида даъво ишини кўриш ва иш юзасидан ҳукм чиқариш борасида нисбатан эрkin бўлишган. Чунки мамлакатда қозилик амалиётини олиб бориш бўйича ҳалифа Умарнинг йўрикномасидан ташқари муайян қонун-қоида ва тартиб белгилаб берилмаган бўлиб, қози, асосан, Куръон, сунна (пайғамбар(с.а.в.) йўриклари), саҳобаларнинг қарашлари, олдинги қозилар чиқарган ҳукмлар (прецедент) ва урф асосида ҳукм чиқариши лозим хисобланган. Бироқ, қозининг ҳукм чиқариш борасидаги эркинлиги унинг ўз мансабини суиистеъмол қилишига олиб бормаслиги шарт этилган. Ушбу борадаги ишларни тартибида солиш мақсадида давлат раҳбарлари томонидан белгиланган масъуллар ва мазолим маҳкамалари қозилар амалий фаолиятини мунтазам равишда кузатиб борганлар.

Маҳкама қозиларининг турли илмий савияда бўлиши ва манбалар билан ишлашдаги ўзига хос ёндашувлари уларнинг амалий фаолиятида яққол кўзга ташланган. Яъни, бир даврнинг ўзида бир масала юзасидан бир қозининг чиқарган ҳукми ва адолати бошқасиникidan фарқ қила бошлаган. Мазкур ҳолат қозилик амалиётини олиб боришида ўз ёндашувларини маъқуллайдиган турли мактабларнинг юзага келишини таъминлади. Жумладан, Мадинада ҳукм чиқариш борасида ёзилган манбалардан четга чиқмасликка ҳаракат қиласидиган мактаб – ахли ҳадис юзага келган бўлса, Ироқ, Хурросон ва Мовароуннахрда манбалардан хulosалар чиқаруб, уларга қиёсий нуқтаи назардан ёндашадиган, ҳукмларни янгилашга уринувчи мактаб – ахли раъи майдонга чиқди. Шунга қарамасдан, қозиликда амалиёт эрkin олиб борилган. Бу қозининг ҳукумат сиёsatи таъсиридан холи тарзда адолатли ҳукм чиқарishiiga имконият яратган.

Абу Жа'фар Таховий қозиларни сulton сұхбатидан ўтказиб тайинлашни илгари суради. Чунки фосиқ ёки қозиликка ярамай-



диган одамнинг таниш-билишчилик орқали қозиликка ўтириши фитнага сабаб бўлади. Агарда бу каби қози ҳукм қиласидиган тайинлаган тақдирда ҳам фақиҳлар унинг ҳукмини тан олмаганлар. Чунки жоҳиллик ёки фосиқлик билан чиқарилган ҳукм адолатнинг оёқ ости бўлишидир.

Харбий соҳанинг кенгайтирилиши аскарлар орасида ички тартиб-интизомни сақлаш, ҳарбий жиноят ишларини адолатли ҳал этиши талаб этар эди. Шу боис, мамлакат армияси ҳузурида ҳарбий қозилик маҳкамалари жорий этилди. Зиёд ибн Аби Лайло Фоний, Кулсум ибн Абдуллоҳ Ҳикамий ва Мухаммад ибн Асламийлар шу каби маҳкамаларда фаолият олиб борган машҳур қозилардан саналган.

Умавийлар даврида ўтказилган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, мамлакат қозилари зиммасига янги вазифалар юқлатила бошланган. Адолатли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи мансабдор сифатида уларнинг ҳуқуқий манбалар асосида иш юритиши таъминланган. Қозиларга ҳозирги кундаги прокурор вазифасини бажарувчи мансабдорга берилган имтиёзлар, бурч ва ҳуқуқлар ҳам юқлатилган. Жамият ҳаётида кўп кузатиладиган етимнинг молини ейиш, вақф мулклари ва байтулмолни (давлат бюджети) ноқонуний ишлатиш каби жиноятларга барҳам бериш мақсадида бу турдаги мулкларни назорат қилиш ҳуқуқи ҳам қозиларга берилган.

Ислом тарихида аббосийларнинг ҳукумат тепасига келиш даври давлатчилик, ҳуқуқшунослик, тил ва адабиёт, дунёвий фанларнинг ривожланиши, мазҳаблар-

нинг вужудга келиши, диний-ақидавий қарашларнинг сиёсийлашви, араблар билан Ислом эътиқодидаги бошқа халқлар ўтасида тенгликнинг таъминланиши каби ўта муҳим тарихий жараёнлар билан кечди. Шунингдек, бу давр Ислом маданияти тарихида классик давр сифатида эътироф этилади.

Ўрта асрлар тарихида Ислом дини тарқалган ўлкаларда қозилик маҳкамаларини тубдан ислоҳ қилиш жараёни аббосийлар (хукм. дав. 133-656/750-1258 йй.) билан боғланади. Уларнинг давлатчилик борасида амалга оширган кўплаб ислоҳотлари замирида умавийлар даврида заифлашган давлат аппаратини мустаҳкамлаш мақсади ётарди. Қозилик маҳкамаларини қайта таъминлаштириш борасида жорий этилган қатор амаллар ҳам мазкур ислоҳотлар сирасига киради.

Жумладан, Абу Жа'фар Мансур (хукм. дав. 132-136/750-754 йй.) қозиларни таъминлашга фақат олий ҳукмдор ҳақли деб ҳисоблаб, ҳокимларни бу ваколатдан маҳрум этди. Шунингдек, унинг ҳукмронлик даврида мазолим маҳкамаси ривожлантирилди ва бу маҳкама учун алоҳида бино ажратилиди.

Хорун ар-Рашид (хукм. дав. 170-193/786-808 йй.) даврига келиб, қозилик расмий ҳуқуқий мақомга эга бўлди ва "Қозиу-л-қузот" лавозими таъсис этилди. Дастрас қозиу-л-қузот қозиликка тайинлаш мумкин бўлган номзодни ҳукмдорга тавсия этиш ваколатига эга бўлган бўлса-да, кейинчалик у қозиларни танлаш ва тайин этиш имконини тўлиқ кўлга киритди. Ушбу воқеа боис қози-

лик маҳкамалари тизими тўла мустақилликка эришди.

Бу пайтда қозиу-л-қузотга мамлакатдаги қозилик маҳкамаларини эркин бошқариш ваколати топширилган эди. Ибн Ҳалликоннинг таъқидлашича, мамлакат қозиу-л-қузоти Абу Юсуф биринчи бўлиб қозилар учун маҳсус кийим (униформа) жорий этади. Мазкур лиbos қора салла ва тайласон (лиbos устидан елкага ташлаб кийиладиган кенг ва узун кийим)дан иборат бўлган.

Қозиу-л-қузотнинг алоҳида девони бўлган. Унда ҳожиб, котиб, ҳукмларни арз қилювчи ва сақловчи мансабдор шахслар фаолият юритган.

Аббосийларнинг дастраси даврида қозиу-л-қузотликка Бағдод шаҳридан тайинланган қози пойтахт девонида мамлакат қозилари устидан назорат юритган. Кейинчалик бу лавозим мамлакат миқёсида қўлланила бошлаган. Сўнгра аббосийлардан мустакил ажralиб чиқсан давлатларнинг алоҳида қозиу-л-қузотлари бўлган. Баъзи ҳолларда ҳар мамлакатда ҳар бир мазҳаб бўйича алоҳида қозиу-л-қузотлар фаолият юритган. Фотимиylарда қозиу-л-қузот лавозимига фақат шиа мазҳабида бўлган фақиҳлар тайинланган.

XIII асргача бўлган даврда қозилик маҳкамаларида қозидан ташқари қўйидаги лавозимдаги шахслар ҳам фаолият юритишган:

**Hou'бу-лқози:** қози ўринбосари бўлиб, маҳкамасида қози иштирок этолмаган ҳолатларда унинг ўрнига қозилик вазифасини бажариб турдиган шахс. Бу ҳолатга манбаларда истихлоф деб таъриф беришган. Аббосийлар даврида "Қозиу-л-қузот" лавозими жорий этилгач, ҳеч бир қози қозиу-л-қузотнинг рухсатисиз истихлоф қилишга ҳақли бўлмаган.

**Котибу-лмаҳкама:** қозилик маҳкамасидаги бу лавозим илк Ислом даврида таъсис этилган. Аббосийлар даврида ҳудудларнинг кенгайтирилиши, мамлакатда хусумат ва жиноят турларининг ортиши котиблик масъулиягини янада оширди. Унинг вазифасига дастрас икки хусуматчи томон, гувоҳлар, қози гапларини ёзил боришина кирган эди. Аббосийлар даврига келиб котиблар, шунингдек, навбатда турган хусуматчилар даъвосини қозига олиб кириш ва уларни эшитиш, мусоғир даъвоси ва кечиктириб бўлмас даъволарни тўғридан-тўғри қози олдига олиб кириш, ижро этилган ҳукмларни архивга тикиб бориш каби ишларни ҳам амалга оширган.



Ҳожиб, жилвоз ва шурта каби қўриқчилар қози ҳузурига келган даъвогарлар интизомини сақлаб турувчи ходимлар ҳисобланган. Булар асосан қози ҳузурига кириш, унинг олдида ўтириш каби ҳолатларда даъвогарлар томонидан тартибга риоя қилинишини таъминлаганлар. Шу билан бирга, маҳкамадан ташқарида қози юклаган вазифаларни бажарганлар.

**Соҳибу-лмасо'ил:** бу аббосийлар даврида юзага келган лавозимлардан бири. Унинг асосий вазифаси қозининг кўрилаётган иш бўйича билиши керак бўлган маълумотларни мукаммал тўплаб, унга етказиш бўлган. Мазкур маълумотлар, асосан, гувоҳлардан ийғиб олинган. Чунки қозилик маҳкамаси ишларида гувоҳларниң гувоҳлик беришга ҳақлилик масаласи алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу лавозим манбаларда музаккий номи билан ҳам қайд қилинади. Биринчи бўлиб бундай хизматдан қози Абдураҳмон ибн Аби Лайл (VII–VIII асрлар) фойдаланган.

**Қассом:** бу лавозим эгаси низолашибаётган мулкни тақсимлаш, ерларни бўлиб бериш ва шу каби тақсимлаш масалалари билан шугулланган. Баъзи манбаларда у ҳассоб деб ҳам аталган.

**Амин:** омонатни сақлаб берувчи масъулдир. Бу ваколат эгалари қозилар томонидан тайинланган. Улар, асосан, етим, бокувчисини йўқотган ва бедарак кетганлар молини ҳамда мерос мулкни сақлаб бериш мажбуриятини олганлар.



**Хозин девону-лхўжм:** бу қозилик архиви ва ҳужжатларини сақловчи шахс бўлиб, уларга асосан, қозига тегишли бўлган ҳужжатлар хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган.

**Аббосийлар даври мазолим маҳкамасида мажлис иштирокчилари қўйидаги гуруҳларга ажратилган:**

1. Мажлис раиси: олий ҳукмдор, бош вазир ёки қозиу-л-кузот бўлиши мумкин.
2. Кўп шикоят тушган қози ёки ҳоқимлар ва шикоят эгалари.
3. Фақихлар ва сарой олимлари.
4. Мажлис хуносаларини ёзиб турувчи халифа котиблари.
5. Гувоҳлар.

**Ушбу кишилар тўлиқ йиғилсаларгина мазолим маҳкамаси ўз ишини бошлай олган. Мазолим маҳкамаси ваколатлари қўйидаги синфларга бўлинган:**

- истишиорий — шариат аҳкомларининг татбиқ этилишини назорат қилиши;
- маъмурий — амалдорлар ишларини назорат қилиш;
- хукуқий — ҳоқимлар ва ҳалқ ўртасидаги ёки ҳалқнинг ўз ичидаги низоларни ҳал қилиш.

Аббосийлар даврида ҳисба институти пайдо бўлган. Бу институт аслида ҳукуқни муҳофаза қилувчи ташкилот бўлса ҳам, кўпчилик уни қозилик тизимига киритган.

Мазкур соҳа Умар ибн Хаттоб давридаёқ амалда бўлганилигига қарамай, бу ваколат эгасининг кенг кўламдаги фаолияти аббосий ҳукмдорлардан Махдий (ҳукм. дав. 775–786 йй.) даврида шаклланди. Ҳисба иши билан шугулланувчи киши муҳтасиб деб номланиб, у асосан оммани яхши ишлар қилишга буюриб, ёмон амаллардан қайтариб турган. Бу билан у шариат аҳкомларининг ижросини таъминлаган. Шунингдек, одоб, фазилат ва омонат каби хислатларни муҳофаза қилиш, бозор, тош-тарози, нарх-наволар мутаносиблигини сақлаш, санитария ишлари билан шугулланиш, йўлларни таъмирлаш, кемага юкландиган молларни назорат қилиш масалалари билан ҳам ҳисбаликдан тайинланган масъул шугулланган.

Хулоса қилиш мумкинки, ҳисбанинг жамиятдаги асосий вазифаси шариат қонун-

ларига риоя қилинишини таъминлаш ва жиноят профилактикаси билан машғул бўлиш эди.

Мухтасибнинг мусулмон, балогатга етган эркак, ақли расо, шаръий масалаларни яхши биладиган, одил, курдатли ва иш юритишга имом ёки волий томонидан рухсат олган бўлиши шарт қилинган. У бирон-бир даъвони кутиб ўтиргмаган, ноқонуний ҳаракатларни кўриши биланоқ ўз ишини бошлаган. Лекин қарз ва қўшниларнинг бир-бирига қилган хусуматлари каби масалаларда қозилик маҳкамасида даъво қўзгалмасдан туриб, муаммога аралаша олмаган.

Хисба вакили жиноят ишларини кўриб чиқишига ҳақли эмасди. Лекин баъзи истисно ҳолатларида тез ҳал қилиниши керак бўлган майда жиноятларни адолатли ҳал этиш хукуқига эга бўлган. Бироқ бу каби ҳолатлар унга мавжуд муаммо юзасидан қатъий хукм чиқариш ваколатини бермаган. Демак, мухтасиб факатгина тез яраштириш йўли билан масалани ҳал қилган. Унинг иши куч ишлатиш ва тез ҳал қилишига асосланган.

У ўз ишини танбех бериш, яхши сўз билан насиҳат қилиш, баъзи бетартибларни, қонунга зид бўлган амалларни қўли билан тўхтатиш, уриш билан таъзир бериш ва масалани қозига олиб чиқиш каби босқичларда олиб борган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ўрганилаётган даврда қозилик маҳкамалари иерархия (босқичли, даражали) асосида ишлаган. Маҳзар ва сижил каби маҳкамама процессуал хужжатларини ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, қозилик хужжатларида икки босқич маҳкамалари ҳақида гап юритилган. Булар вилоят – кура ва туман-ноҳия маҳкамаларидир. Вилоят қозилик маҳкамаларининг қозилари қози, туман қозилик маҳкамаси қозилари ҳоким деб аталган. Туман ҳокими вилоят қозиси томонидан тайинланган. Ҳокимнинг ваколатларига, асосан, низолашувчи томонларни яраштиришга уриниш, уларни рози қиласиган шаклда хукм чиқариши, никоҳларни қайд қилиш, вақф мулкларига масъулларни тайинлаш, васийларни белгилаш каби масалалар кирган. Агар иш жиёдий муаммога олиб келса, вилоят қозилик маҳкамасига жўнатилган.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // “Ma’tifat”, 2017 йил, 20 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти ташки ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидағи нутқи // “Халқ сўзи”, 2016 йил, 19 октябрь.
3. Абу Наср Самарқандий. Русуму-л-кузот / Мухаммад Жасим Ҳадисий таҳрири остида. – Бағдод: Дору-л-хурийя ли-тиба‘а, 1405/1985. – 450 б.
4. Зухайлий Вахба. Тариху-л-қазо фи-л-ислам. – Дамашк: Дору-л-Фикр, 1421/2001. – 590 б.
5. Ҳусомуддин Садр Шаҳид. Шарҳ Адаби-л-қози ли-л-Хассоф. 4 томлик / Махий Ҳилол Сархон таҳрири остида. – Бағдод: Дору-л-‘араб, 1397-1398/1977-78.
6. Бекмирзаев И.И. “Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннаҳр қозилиги”, Монография, Тошкент: Таълим нашриёти, 2011. – 200 б.
7. Бекмирзаев И.И. “Мовароуннаҳрда қозилик хужжатлари: тарихий илдизлар ва таҳлилий ёндашувлар” Монография, Тошкент: Ислом университети, 2014. – 332 б.
8. Зиёдов Ш., Қориев О., Бекмирзаев И. Мовароуннаҳр Ислом илмлари ривожида ҳанафий таълимот. – Тошкент: “Фан ва технология”, 2012. – 232 б.
9. Казаков Б.А. Документальные памятники Средней Азии. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – 87 с.
10. Чехович О.Д. Бухарские документы XIV века. – М.: Наука, 1965.-332 с.
11. Чехович О.Д. Черты экономической жизни Мавераннахра в сочинениях по фикху и шуруту, Ближний и Средний Восток Товарно-денежные отношения при феодализме. М.: Наука, 1980. – 227 с.
12. Мовардий Абу-л-Ҳасан. Аҳкому-с-султонийя. – Қоҳира: Матба‘а Мустафо ал-Бобий Ҳалабий, 1386/1966. – 436 б.
13. Муҳаммад Зухайлий. Тариху-л-қазо фи-л-ислам. – Дамашк: Дору-л-Фикр, 1416/1995. – 590 б.
14. Муҳаммад Зухайлий. Қазоу-л-мазолим фи-л-фикхи-л-исламий. – Дамашк: Дору-л-мактабий, 1419/1998. – 151 б.



# ФЕМИДА ВА АДОЛАТ



Парда Эшматов,  
суд фахрийси

*Ҳаёт, қонун ваadolat бир-бiri билан узвий боғлиқ. Adolatli қонун давлатнинг қудратини оширади, жамиятни порлоқ келажак, равнақ, тарқиёт ва юксалиш сари етаклайди.*

*Агардаadolat посангиси оғса, давлат ҳам, жамият ҳам парокандаликка учрайди. Буни тарих ва кишилик жамияти кўп бор исботлаган. Adolat ҳаёт мезонидир.*

Ўтмишдан бизга кўплаб ривоятлар ва ҳикоятлар мерос бўлиб қолган. Уларнинг айримларида қисман ҳақиқат ҳам борлиги кўринади. Юноnistон мифологиясидаги маълумотларга қараганда, қадимги юоннларда бир нечта худолар бўлган. Шулардан бири “ёруғ осмон” маъносини билдирувчи худо Зевсдир. У юон худоларининг оила бошлиги бўлиб, кўлига ўроқ тутган соқолли чол қиёфасидаги Кранос (Крон) ва Рейнинг ўғлидир.

Зевс Юноистондаги баланд олимп тогига ўрнашиб олиб, ўзини олий худо, худо ва одамларнинг отаси деб эълон қилади. У Олимп тогида хукмрон бўлиб олганидан кейин аста-секин оламни қайта тузишга уринади, қонунлар чиқаради, тартиб ўрнатади, фан, санъат, ахлоқ нормаларини жорий қиласди. Геракл ва Персей деган фарзандларни кўради. Шу билан бирга, у даҳшатли, жазоловчи, қасоскор, аёвсиз куч ҳисобланган. Бир неча бор одам зотини йўқ қилиб, ундан ҳам мукаммал инсонни яратишга уринган.

Зевс одамларнинг кўлидаги барча оловни йигиб олдириб, Олимп тогига келтирган. Тоғдаги олов макони ҳозирги кунда ҳам сақланиб турганлигини инкор эта олмай-

миз. Ҳаёт тарақкий этиб, одамлар орасида турли хилдаги спорт ва уларнинг мусобақалари шаклланганидан кейин бутун дунё спортчилари иштирокида олимпиада ўйинлари ташкил қилина бошлади. Олимпиада сўзи ҳам ўша тоф “Олимп” сўзидан олинган. Олимпиада ўйинлари бошланиши олдидан ҳозир ҳам Олимп тогидаги олов маконидан машъала ёқиб олиниб, бир неча қитъалар, мамлакатлар оша учрашув ўтказиладиган стадионга олиб келинади ва олов ёқилади. Бу одат ҳали-ҳамон давом этиб келмоқда.

**Зевс оловни одамлардан тортиб олиб қўйганидан кейин инсон оловсиз жуда қийналади. Бу аҳволни кўрган йигит Прометей (Фемиданинг ўғли) инсонларга яхшилик улашиши учун Олимп тогидаги оловни яширин равишда одамларга етказиб туради. Бундан хабар топган Зевс қаҳргазабга тўлиб, Гефистга Прометейни ушлаб, тогнинг баланд чўққисига занжирбанд қилишни**

**ва абадий қийноққа солишини буюради, уни жуда қаттық азоблайди, аёвсиз қийнайды. Буни эшиштеган Прометейнинг онаси Фемида худо Зевсга бориб учрашади ва мен шу йигитнинг онаси бўламан, ўғлим одамларнинг жуда қийналганини кўриб, уларга олов етказиб бермоқчи, яхшилик қилмоқчи бўлган. Уни бу даражада қийнаманглар, ҳақиқат томонида туриб, инсоф билан иш кўринглар, ўғлимнинг бу аҳволда ноҳақлик курбони бўлиб ётганига мен чидааб туролмайман, ҳаттоқи бундай ноҳақликни қўришга кўзим ўйқ деб, кўзларини боғлаб олади, ўғлига шафқат қилишларини сўраб, зорланади.**

Фемида-грекча сўз бўлиб, Темида, Темис номлари билан юритилади. Афсоналарга кўра, у Уран ва Гейнинг фарзанди бўлган. Ўз замонасида одамлар учун муҳим бўлган ер, сув, олов худолари қаторида адолат, ҳақиқат худосини Фемида тимсолида тасвирлаганлар, уни азиз билиб, унга сифинганлар.

Йиллар ўтиб, одамлар ҳаётида суд ва судлов ишлари юзага келганидан сўнг ҳакамлар қўлидаги низоли ишларни тўғри ва адолатли ҳал қилишда Фемида рамзидан фойдаланиб келишган. Шу тариқа кўзлари боғланган ҳолда, бир қўлида адолат тарозиси ва иккинчи қўлида адолат қиличини тутган она Фемида адолат ва қонун ҳимояси тимсоли сифатида қабул қилинади. Бир пайтлар кўпгина суд идораларининг, ҳусусан, жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти, Гузор тумани, Самарқанд вилояти, Каттақўргон тумани судларининг бинолари олдида бўйи икки метрдан кам бўлмаган Фемида ҳайкаллари ўрнатиб қўйилганлигини учратардик.


Ҳозир ҳам бир қатор давлат ва нодавлат идоралар ходимларининг хизмат хонасига кирсак, кўпчиликнинг иш столида одил судлов маъбудаси Фемиданинг турли катталиктаги ҳайкалчалари турганлигига гувоҳ бўламиз. Адолатни қарор топтириш, юзага чиқариш ҳаётий зарурат бўлиб, уни амалга ошириш нафақат ҳукуқшуносарнинг, балки барча фуқароларнинг бурчиdir. Майли, қайси касбда, қайси соҳада ишламайлик, ҳаётда одил бўлайлик, адолатни рўёбга чиқарайлик, зеро адолат тарозиси бу ҳаёт

мезони, адолат мувозанати бузилдими, ҳаёт издан чиқади.

Мамлакатимиз Президенти Ш. М. Мирзиёев ўзининг бир нутқида: “Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйгусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз деб ҳисоблаймиз. Темур бобомизнинг: “Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлган” деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётий эътиқодга айланиши зарур”, деган эдилар.

Ҳа, Фемида она ўзининг туриши, сиймоси ва тимсоли билан барчамизга одамларнинг ҳукуқ ва эркинликлари бузилаётган ҳолатларга тўғри баҳо беришимиз кераклигини, ҳатто қўзларимиз боғлиқ бўлса ҳам адолат тарозисининг посангиси (мувозанат) ни бир мезонда, тўғри ушлаб туришимиз зарурлигини, адолат қиличи эса ҳар нарсадан ўткир ва кескир эканлигини эслатиб тургандек, гўё.

Дарҳақиқат, шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ҳаётда учрайдиган қонун-бузарликларни, турли низо ва муаммоларни ҳал қилишда уларга ҳақиқат кўзи билан қараш, адолатни рўёбга чиқариш ва қонуларнинг ижросини адолатли таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини асло унутмаслигимиз керак.



# «Судьялик лавозимига номз суд аппарати ходимларини ташкиллаштириш» мавз

Ўзбекистон республикаси  
хузуридаги Судьялар олий макта




**Адель КЕНТ,**  
Канада Миллий судлов институтининг суд тизими масалалари бўйича бош мутахассиси:

– Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу семинарда иштирок этажтанидан жуда мамнунман. Ўзбекистонда илк бор Судьялар олий мактаби ташкил этилишини ҳар томонлама муносиб судьяларни тайёрлаш, малакали ва масъулиятли суд ходимларини тарбиялаш борасида ташланган муҳим қадам деб ҳисоблайман.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, эндиғина фаолияти бошланадиган таълим муассасаси шу соҳада маълум бир тажриба ортирган хорижий мамлакатларнинг ўқув даргоҳлари билан амалий ҳамкорликни йўлга кўйиши талаб этилади. Бу ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Судьялар олий мактабининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа ходимларининг фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиш имкони бўлди. Гарчи ҳали улар катта тажрибага эга бўлмаса-да, шу соҳа бўйича муайян билим ва қарашлари бор. Улар орасида хорижий тилларни яхши биладиган мутахассисларнинг борлиги катта ютуқ. Чунки, улар соҳада тўплangan илгор амалиётни тез ўзлаштиради ва фаолиятида самарали кўллади.



**Умид САЙДАХМЕДОВ,**  
Судьялар олий мактабининг “Иқтисодий хукуқ” кафедраси ўқитувчиси:

– Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда илк бор ташкил этилган Судьялар олий мактабида етук ва малакали судьялар қорпусини шакллантиришда Канада тажрибасини ўрганиш ҳамда уларнинг ижобий жиҳатларини судьяларни ва суд тизими ходимларини ўқитиш жараёнида жорий этишдир.

Канада Миллий судлов институтининг суд тизими масалалари бўйича бош мутахассиси Адель Кент маърузасида Канада Миллий судлов институти(NJI)га 1988 йилда асос солинганлигини, унинг қароргоҳи Оттава шаҳрида жойлашганлигини, ҳамда у Канада суд раиси бошқарувидаги 50 нафар ходимга эгалигини билдириди. Бюджети - 9 миллион долларни ташкил этувчи, тўртта департамент: таълим, молия, операцион ва халқаро департаментлардан иборат мустақил, нотижорат ташкилотлиги ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Демак, бу таълим муассасасининг фаолияти бошланганига қарийб 31 йил бўлган. Бундай катта тажрибага эга бўлган институт билан ҳамкорлик амалий натижа беради.



# ОДЛАР, АМАЛДАГИ СУДЬЯЛАР ВА НГ ЎҚУВ-ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ УСИДАГИ ҲАЛҚАРО СЕМИНАР

СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ  
БИ, 2019 ЙИЛ 27 МАРТ, ТОШКЕНТ



Анвар ХАМИДОВ, Судьялар олий мактабининг  
“Маъмурий хукуқ” кафедраси ўқитувчisi:

– Канадалик мутахассис Брэнда Купернинг мулоҳазаларига кўра, Канада Миллий судлов институти тингловчилари ўқув жараёнида ахборот ва коммуникация технологияларидан кенг фойдаланаар экан. Масофадан туриб дарс беришнинг йўлга қўйилганлиги, ўқув дастурларининг электрон вариантлари яратилганлиги бунга мисол бўла олади. Институт сайти самарали ишлётганлиги унда жуда кўплаб маълумотларнинг жойлаштирилиши тингловчиларнинг яхши билим олишига алоҳида имконият яратади.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, суд амалиёти билан яқиндан танишиш, процессларда тўғри қарор қабул қила олиш кўникмасини шакллантириш нуқтаи назаридан турли йўналишлар бўйича саҳналаштирилган видеороликларнинг ишлаб чиқилганидир.



Бренда КУПЕР,  
Канада Миллий судлов  
институтиning  
ҳалқаро ҳамкорлик  
гуруҳи директори:



– Судья ва суд ходимларини ўқитишнинг таълим структурасини, ўқув дастурларини, умуман унинг моделини ишлаб чиқиша маҳаллий шароитдан ва эҳтиёждан келиб чиқсан ҳолда ёндашиб лозим.

Дастлаб ўқув курсини ёки машғулотини олиб борадиган тренер, яъни ўқитувчи ўзининг йўналиши бўйича тингловчиларга билим ва кўникмаларини қай тарзда етказиш самаралироқ бўлиши, қайси усул ёки восита орқали дарс машғулотларини олиб бориш мақсадга мувофиқлиги ҳақида аниқ тўхтамга келиши керак.

Албатта, Судьялар олий мактабининг тингловчилари доимий равишда амалиёт билан боғланиши керак.



Саҳифани Шокир АЛИБЕКОВ тайёрлади.

